Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 31 (9527). ● 1989 йил 14 февраль ● сешанба ● Баҳоси 3 тийин.

26 март—СССР халқ депутатлари сайлови куни

САЙЛОВОЛДИ ЙИҒИЛИШИ

117-миллий-территориал сайлов округи Тошкент шаҳрининг Киров, Октябрь, С. Раҳимов районларини ўз ичига олган. Яқинда шу округда депутатликка номзодларни рўйхатга олиш учун сайловолди йиғилиши бўлиб ўтди.

Округ сайлов комиссияси раиси А. Миржалилов йиғилишни очар экан, депутатликка номзоди кўрсатилган 10 кишидан уч нафари ўз номзодларини чиқариб ташлашни илтимос қилганликларини айтди. Сайловолди йиғилишида 260 киши иштирок этди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жами 7,5 соат давом этган йиғилишда вақтнинг кўпи эксперт группаси ва президиум сайлаш каби масалаларга сарфланди. Йиғилиш қатнашчиларининг кўпчилиги бунга тайёр эмаслиги маълум бўлиб қолди.

Йиғилишда ўз платформаларини эълон қилган номзодларнинг деярли ҳаммаси аҳолини озиқ-овқат, уй-жой билан таъминлаш, пахта монокультураси, экологик аҳвол каби шу куннинг долзарб масалалари ҳақида гапирдилар. Айрим номзодлар миллатлараро муносабатлар, давлат тили, ижтимоий ҳаётни янада демократлаштириш масалаларига ҳам тўхталдилар.

Номзодлар овозга қўйилган пайтда «Узбекгидроэнергострой» трести бошқарувчиси А. Эргашев билан ТошДУнинг катта ўқитувчиси М. Зоҳидовларга йиғилишга келган сайловчиларнинг ярмидан кўпи овоз берди. Шундай қилиб, бу икки номзод 117-миллий-территориал сайлов округидан СССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олиндилар. Аммо бу номзодлар ўртасида депутатлик учун курашнинг бошланишидир. Ҳали улар ўз сайловчилари билан учрашадилар, ишончли вакиллари улар номзодини пропаганда қиладилар. Ҳақиқий депутат эса 26 март кунги СССР халқ депутатлари сайлови пайтида маълум бўлади.

Суратларда: сайловолди йиғилишидан лавҳалар.

А. Мальцев фотолари.

Номзодлар рўйхатга олинмоқда

Округ сайлов комиссиялари қўйидаги ўртоқларни СССР халқ депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олди:

118-Оҳангарон миллий-территориал сайлов округидан — Иноъом Назарович **Искандаров**, 1937 йилда туғилган, «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори; Эркин Тожибоевич **Каримов**, 1943 йилда туғилган, Ўрта Чирчиқ районидаги Охунбоев номли колхознинг пахтачилик бригадаси бошлиғи;

* * *

604-Янгийўл территориал сайлов. округидан — Мирраҳмат Мирҳожиевич **Мирқосимов**, 1941 йилда туғилган, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари; Шавкат Сулаймонович **Нурмдинов**, 1940 йилда туғилган, Калинин районидаги «Қорасув» совхози далачилик бригадасининг бошлиғи.

(ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ АХБОРОТИ

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АФЗАЛЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

Тошкент областининг (Тошкент шаҳри ҳам ҳисобга киради) 1988 йилда социал-иқтисодий ривожланиши

1988 йилда партия XXVII съезди ва КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси қарорларини Тошкент областида амалга ошириш чоғида халқ хўжалиги айрим тармоқлари ривожланишидаги қолоқликка барҳам бериш учун қатор тадбирлар амалга оширилди.

Область иқтисодий ва социал тараққиётининг қатор асосий кўрсаткичлари бўйича 1987 йилдагига нисбатан юксалишнинг анча юқорироқ суръатларига эришилди (таққосланган нархларда; процент ҳисобида):

	1987 йилги даражага амалдаги нисбатан		
	1988 йил плани	1988 йилда амалдагиси	Маълумот учун: 1987 йилда 1986 йилга нисбатан, процент ҳисобида
Саноат маҳсулоти	х	3,7	3,4
Халқ истеъмоли товарлари (алкоголли ичимликлардан ташқари) ишлаб чиқариш	х	8,6	—0,1
Қишлоқ хўжалик маҳсулоти	9,9	—3,1	—3,4
Асосий фондларни ишга тушириш	х	—21	15
Капитал маблағ сарфлаш	—6	—17	22
Умумий фойдаланишдаги транспортда юк ташиш (жўнатиш) ҳажми	4,8	4,4	—2,4
Халқ хўжалиги бўйича фойда олиш (Узбекистон ССР Министрлар Советига қарашли корхоналар ва ташкилотлар бўйича)	8,1	11,5	12,2
Меҳнат унумдорлиги:			
Саноатда	х	5,0	3,0
Қурилишда	2,8	7,8	2,7
Ишчи ва хизматчилар сони	х	0,1	1,6
Халқ хўжалиги бўйича иш ҳақи фонди	х	5,9	2,9
Ишчи ва хизматчиларнинг пул билан оладиган ўртача ойлик иш ҳақи	х	5,6	3,1
Колхозларнинг жамоат хўжалигида колхозчилар меҳнатига тўланадиган ўртача ҳақ	х	7,6	—2,1
Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборoти	5,1	7,1	0,4
Аҳолига пулли хизмат кўрсатиш	28,6	19,9	3,4

1988 йилда 8,5 миллиард сўмлик **саноат маҳсулоти** ишлаб чиқарилди, бу олдинги йилдагига нисбатан 0,3 миллиард сўмлик кўпдир.

Социал соҳадаги тадбирларни яна ҳам фаолроқ амалга ошириш сари бурилиш пайдо бўлди. Меҳнаткашларнинг пул билан оладиган даромадлари кўпайди. Уй-жой қурилишига капитал маблағ сарфлаш ошди. Беш йиллик йилларида биринчи марта чакана товар оборoти плани бажарилди.

Айни вақтда халқ хўжалигининг қатор тармоқлари ишидаги мавжуд камчиликлар суст бартараф этилмоқда, янги хўжалик механизмининг афзалликлари ҳали ҳам тўла даражада фойдаланилмаяпти.

Саноат корхоналарининг анчагина қисми маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини уддаламади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, қайта ишлаш, сақлашдаги мавжуд камчиликлар аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилашга салбий таъсир қилди. Инвестиция соҳасидаги камчиликлар бартараф этилгани йўқ. Аҳолининг ошган пулли даромадлари товарлар ва хизматлар билан тўла даражада таъминланмади. Кўпгина хизматлар ва товарларга бўлган танқислик сақланиб қолмоқда.

СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЁТ

Аҳолининг иш билан бандлиги. Ишчи ва хизматчиларнинг умумий сони 1,5 миллион, колхозчиларники эса 96,1 минг кишини ташкил этди. 29,1 минг киши кооперативларда ва якка тартибда меҳнат билан шуғулланмоқда. Уларнинг учдан икки қисми давлат корхоналари ва ташкилотларидан ўтган ёки ўриндошлик шартларида ишлаётган ишчилар ва хизматчилардир.

Меҳнат ресурсларини бошқариш бўйича умумдавлат системаси яратилмоқда. Ўтган йилнинг уч квартали давомида аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб ўргатиш марказлари ҳамда бюроларига 30 минг нафарга яқин киши мурожаат қилди, улардан 27 минг нафардан ортиқ кишиси ўзлари учун иш жойлари танлаб олдилар.

Аҳолининг даромадлари. Халқ хўжалигидаги банд бўлган ишчи ва хизматчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақи 177 сўмдан 187 сўмгача кўпайди. Колхозчилар меҳнатига тўланадиган ўртача ойлик ҳақ 1987 йилдаги 173 сўм ўрнига 186 сўмни ташкил этди. Ками билан ўн йил давомида пенсия олаётган колхоз аъзолари ва уларнинг оилаларига тўланадиган энг кам пенсия миқдори кўпайтирилди.

Соғлиқни сақлашни ривожлантиришга маблағ сарфлаш кўпайди. Беморларнинг овқатланиши, дори-дармонлар, асбоб-ускуналар ва анжомлар харид қилиш учун ҳаражатлар нормаси оширилди, 3 ёшгача бўлган болаларга дориларни бепул бериш жорий этилди. Етим болалар ва отаонасиз қолган болалар, шунингдек, уруш ва меҳнат ветеранлари турмуш шароитларини яхшилашга қаратилган чоралар амалга оширилди.

Аҳолининг СССР жамғарма банки муассасаларидаги омонатлари 1989 йил бошига келиб 2,3 баравар ошди ва 219,1 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳоли даромадларининг ортиши товарлар ва хизматларга бўлган талабни кучайтирди, бу талаб тўла қондирилмаяпти.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш. 1988 йилда 3,4 миллиард сўмлик (алкогол ичимликлар қиймати ҳисобга кирмайди) халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилдагига нисбатан 67 миллион сўмлик кўпдир.

1988 йилда **озиқ-овқат маҳсулотлари** ишлаб чиқариш 13,6 миллион сўмлик кўпайди. Уларнинг айрим муҳим турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1988 йилда амалдагиси	Топшириғининг бажарилиши процента	1988 йилда 1987 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Гўшт (саноатда ишлаб чиқарилгани) — минг тонна	73	98	102
Колбаса маҳсулотлари — минг тонна	33	96	99,0
Мол ёғи — тонна	70	124	126
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда — минг тонна	215	106	104
Маргарин маҳсулотлари — минг тонна	29,6	102	100,5
Ўсимлик мойи — минг тонна	51	90	100,5
Кондитер маҳсулотлари — минг тонна	90	99	110
Консервалар — шартли миллион банка	298	110	108

(Давоми 2-бетда).

ҚАЙТА ҚУРИШ: СЎЗДА ВА АМАЛДА

РЕДАКЦИЯГА КЕЛГАН ХАТЛАРДАН

«КИМГА АЙТАЙ ДАРДИМНИ?»

«Менга гараж, деб ном беришибдики, бошимдан ташвиш аримайди. Кўрганим — хароба, эшитганим — дакки. Ишчилар эртаю-кеч гўримга ғишт қалашгани-қалашган. Тунов куни Умарали Ўринбоев деган кекса шофер нима дейди денг? «Бу гараж эмас, бошимизга битган бало. Бор бўлиб бор эмас, йўқ бўлиб, йўқ. Ҳаммаёқ лой, зах, машинангни бир амаллаб ремонт қиласан-у, ўзинг ҳам бирон ҳафта кўрпа-тўшак қилиб ётиб оласан. Чунки, ишчиларга етарли шарт-шароит йўқ. Қачон қутуларканмиз бу аҳволдан?»

Қани энди ёрдам беролсам. Аммо... Умуман менда нима гуноҳ? Гўдакнинг парвариш қилсанг одам, ниҳолни парвариш қилсанг дарахт бўлади-да. Менгаям эътибор керак. Атрофим ўралган, «гараж» деган номим бор, холос. Бироқ, техника, машина-механизмларни қор-ёмғирдан пана қила олмайман, занглашдан асрай олмайман. Уларнинг кўплари ишдан чиқиб, эскириб ётибди. Буларни кўриб ўзимнинг ҳам ичим ачийди. Лекин иложим қанча?

Яқинда Аҳмаджон деган йигит ўзининг «95—47 ТШМ» номерли автомашинасини қўяётиб, шундай гапларни айтдики, қулоқларим темирдан бўлсаям, тешилиб кетай деди. Мана, сиз ҳам эшитиб кўринг-а.

— Ҳозирги пайтда ҳамма нарса ўз номи билан юритилмоқда. Энди шу «гараж»имизни нима деб атаса бўларкин? Олтмишга яқин техника мавжуд. Шофер ва ремонтчилар учун маданий-маиший шароит у ёқда турсин, механизмларни асраш учун ҳам жой умуман йўқ. Қачонгача машинамизни бошқа ерда, ялиниб-ёлбориб ремонт қилиб юрамиз. Боз устига одамлар соғлиғини ҳам ўйлаш керак. Лой-балчиқ кечиш ҳамманинг жонига тегди. Мудирлар ҳам бошлиқлар билан ади-бади айтишавериб чарчашди. Тез-тез алмаштирилаётгани ҳам шундан. Кўплар ишдан кетиб қолишмоқда.

Яқинда тўртинчи мудир келди. Зора янги мудиримиз Мамат ака Абдиев бу соҳада бирон бир ўзгариш қилса!»

Ана аҳвол, мана аҳвол. Қисқаси, ҳамма норози. Фақат... Хўжалигимиз раҳбарлари гунг. На гап, на сўзларини эшитасан, киши. Балки бу аҳволдан директор Эркин Пўлатовнинг хабари йўқдир, ҳеч нарса билмас, деб ўйларсиз? Қаёқда, ҳаммасидан хабардор, билади. Аммо билдим дедим, тутилдим, билмадим дедим, қутулдим қабилида иш тутиб юрибди. Қисқаси, лоқайд. Фақат куз келиб ёғингарчилик бошланиб кетса, сал ёдига тушгандек бўлади. «Баҳор келиши билан янгилаймиз, устини ёпиб, ўраб, тагини асфальтлаймиз», дея катта ваъдалар беради. Аммо баҳор келиши билан бутунлай эсидан чиқади.

Ўмуман мен ё бор, ё йўқ бўлишим керак. Ҳасратларимдан чанг эмас, лой чиқмоқда. Чунки, баҳор эшик қоқмоқда. Зора Оҳангарон районининг Куйбишев номли совхозидаги мутасадди ўртоқлар оҳимга қулоқ тутишса!»

Гараж ҳасратини оққа кўчирувчи «Тошкент ҳақиқати»нинг жамоатчи мухбири:

Абдурафиқ МАҲКАМОВ.

ОИЛАЛАР ҲАМ ШАРТНОМА ТУЗИШМОҚДА

ОҲАНГАРОН районидаги «Ғаллақудуқ» совхозида меҳнатни ташкил этишнинг илғор усуллари қўлланила бошланганига анча йил бўлди. Ишга дадил киришиш, янгиликларни қўлланиш хўжаликка катта самаралар бермоқда. Биргина 1988 йил натижаларига эътибор беринг: давлатга гўшт сотиш йиллик плани ноябрь ойидаёқ бажарилди. Ёки бир йилда гўшт етиштириш минг тонна кўпайди. Чўчқалардан 93 минг 353 бош насл олишга эришилди. Бу 1987 йилдагидан 14 минг 185 бош кўпдир. Умуман бу ерда ҳар бир киши ҳисобига ўтган йили 148 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

1989 йилдан бошлаб совхозда хўжалик ҳисобида меҳнат қилаётган бўлимлар, участкалар ижара пудратига ўтаяпти. Ҳозирнинг ўзидаёқ А. Фроловнинг оилавий бригадаси 120 бош сигирни, А. Оттинов звеноси эса 350 бош чўчқани ижарага олди. А. Комилжонов бошлиқ 1-агроучастка коллективи. Н. Варава раҳбарлигидаги наслчилик фермаси коллективи ўзи билан совхоз маъмурияти билан ижара пудратига ўтиш бўйича шартномаларни ишлаб чиқмоқда.

Хўжаликда фақат участка, бўлим ва бригадалар эмас, шу территориядаги хонадонлардаги ишчи кучларидан ҳам самарали фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда. Уларга шартнома асосида совхоз қорамол ва чўчқани ижарага бермоқда. Ўтган йилнинг ўзида ҳар бир оиланинг имконияти ҳисобга олинган ҳолда 7 минг бош чўчқа бўрдоқига боқиш учун ажратилди. Шахсий ёрдамчи хўжаликлардан 281 тонна сут, 26 тонна гўшт харид қилинди.

Бу йил янги иш усули янада кенгайтирилади. Айни кунларда хонадонлар билан янги шартномалар имзоланмоқда.

М. ФАТТОҲОВ.

КЎЧАТЛАР САРАЛАНЯПТИ

ТОШКЕНТ районидаги Карл Маркс номли колхознинг парник хўжалиги деҳқонлари сара сабзавот кўчатлари етиштириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Деҳқонлар ўзларига биркитилган майдонларга 60 килограмм карам, помидор, болгар қалампири, бақлажон ва бошқа сабзавот уруғларини сепишган эди. Айни пайтда тўлиқ унган карам ниҳоллари бир-иккитадан чинбарг чиқарди. Помидорларни эса расад қилишга киришилди.

Тайёрланаётган кўчатлар 60 гектар майдонда плёнка остида эртаги карам, 30 гектар майдонда эртаги помидор етиштириш имконини беради.

— Эрта эккан хирмон қилур, деб халқимиз бежиз айтмаган, — дейди бригада бошлиғи Хайрулла Убайдуллаев. — Кўчат тайёрлашга барвақт киришиб, яхши натижага эришяпмиз. Аввало бунда ерни сифатли тайёрлашга, кўплаб маҳаллий ўғит жамғариб, уни тўйдиришга ҳаракат қилганлигимизни алоҳида таъкидлаш лозим. Айниқса, шофер Вали Мусаев 3 минг тонна ўғит ташиб бошқаларга намуна бўлди.

Айни пайтда иссиқхона ҳавосини янгилаб турилибди. Касалликларнинг олдини олиш, ҳашарот ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирлари агротехника талаблари асосида ўтказилмоқда. Суннат Икромов, Ҳайри Аширматова, Саид Раҳматуллаев сингари тажрибакорлар ўз иш участкаларида, айниқса, самарали меҳнат қилмоқдалар.

Т. САФАРОВ.

БУ—ЭЪТИБОРСИЗЛИК!

Шу кунларда халқимиз улуғ бобомиз Алишер Навоий таваллудининг 548 йиллигини нишонламоқда. Жойларда республикамизнинг таниқли шоир ва ёзувчилари, олимлари ва кўп сонли адабиёт ихлосмандлари иштирокида қизиқарли ижодий учрашувлар, илмий конференциялар ўтказилмоқда. Мазкур тадбирларда А. Навоий ғазаллари жаранглямоқда, адабий мероси кенг тарғиб этилмоқда, шоир ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилмоқда.

Бу қутлуғ санага бағишлаб газеталаримиз таниқли навоийшуносларнинг мақолаларини эълон қилишди. Хусусан, «Совет Ўзбекистони», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Ёш ленинчи» газеталари бу ишга масъулият билан ёндашди. Аммо «Правда Востока», «Ташкентская правда», «Комсомолец Узбекистана», «Вечерний Ташкент» сингари газеталарда эса Алишер Навоий таваллуди эсга олиниб мақолалар берилмади. Елғон бўлмасин, «Правда Востока» ўзининг 9-февраль сонида «Навоийхонлик» рубрикаси остида кичик бир хабарни эълон қилди, холос. Аммо бу бизнингча, эътиборсизликни хаспўшлашдан бошқа нарса эмас, Ахир ўзбек тилида чиқадиган газета ва журналлар ҳар йили пушкинхонликка бағишлаб кўплаб материаллар босишади, қолаверса, бошқа рус ва қардош халқлар адабиётнинг классиклари юбилейини муносиб нишонлашадику! Нега энди Ўзбекистонда рус тилида босиладиган газеталар А. Навоийни эслашмайди? Бу менимча, эътиборсизлик, очиқ қилиб айтадиган бўлсак, камситишдан бошқа нарса эмас. Демократия ва ошкоралик даврида бу нарсани ҳаммамиз билиб қўйсак айни муддао бўларди.

Х. БИЛОЛОВ,
Тошкент фармацевтика институти ўқитувчиси.

ҲОЛИМИЗДАН ХАБАР ОЛИШСА...

Ҳурматли редакция!

Мен Бўка районидаги С. Раҳимов номли 23-мактабнинг 10-синфида ўқийман. Менинг ҳам ўз орзуларим, келажак режаларим бор, албатта. Жумладан, мактабни тугатгач, бирор ўрта ёки олий ўқув юртига кириб ўқимоқчиман. Бу орзуим амалга ошадими, йўқми, билмадим. Сабаби мактабимизда таълим-тарбия ишлари жуда юзаки олиб борилади. Ўқитувчиларимиз 45 минутлик дарсни бир амаллаб «ўтдими-ўтди» қабилида ўтказсалар бас. Масалан, ҳозирда бизга химиядан дарс берадиган ўқитувчимиз аслида тил-адабиёт бўйича мутахассис. Шунинг учун синфга кириб, «Дарсликнинг мана шу бетидан мана бу еригача кўчиринглар, — деб белгилаб беради. Бирор саволимиз бўлса — «Мен ўзим химияни тушунмайман-у, сизларга нимани тушунтираман, — менга вақт ўтса бўлди»,— дейди. Бошланғич ҳарбий таълим дарси эса биз учун фақат орзу, холос.

Бунинг устига кўпинча дарс ўрнига турли юмушлар билан банд бўламиз. Мана, ўтган йилнинг 17 декабридан шу йилнинг 17 январигача эса ҳар сешанба куни уч соатлаб дарс ҳисобидан ҳовлида совуқда турли ишларни бажардик. Албатта, ўз ҳолимизча эмас, директоримиз Холиқов, ўқитувчиларимиз Н. Муродов, Қ. Шодмонов, Т. Худойбердиевлар нима иш қилишимизни айтишади.

Мактабимизда ҳеч қандай тадбирлар, олимпиадалар ўтказилмаса-да, район халқ таълими бўлимига ўтказилди, деб қоғоз юборилади. Аслида ҳаммаси қоғозларда, амалда эса аксинча, юқоридаги гаплар.

Ҳурматли редакция ходимлари! Хатимизни газетада ёритиб, бизларга ёрдам беришингизни илтимос қиламиз. Зеро, шунда Бўка район халқ таълими бўлимидагилар ҳам бизнинг ҳолимиздан хабар олгани келиб қолишса...

Б. АШУРОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Биз Баҳодир Ашуровнинг мактубини олиб, дастлаб ҳайрон бўлдик. Наҳотки шу хатни 10-синф ўқувчиси ёзган бўлса?! Бир ярим қоғоздан иборат шикоят хатидаги хатоларни санаб, адоғига етолмадик. Уларни тўғрилаб, стилистик жиҳатдан таҳрир қилиб эътиборингизга ҳавола этдик. Шунинг ўзиёқ 23-мактабда ўқувчилар билимига етарли эътибор берилмаётганлигидан далолатдир. Бўка район халқ таълими бўлими бу хатга жиддий муносабат билдиради ва унда кўрсатилган эътирозлар ҳақ бўлиб чиқса, уларни бартараф этишнинг зарур чораларини кўради, деган умиддамиз.

ВИЗИТ ЯКУНЛАНДИ

БЕЛГРАД, 11 февраль. (ТАСС). Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Н. Нишонов бошчилигидаги Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети делегациясининг Македония социалистик республикасига визити ниҳоясига етди. Делегация Скопледа МКС Марказий Комитети Президиумининг раиси Я. Лазароский бошчилигидаги Македония Коммунистлар союзи Марказий Комитетининг делегацияси билан якунловчи музокаралар ўтказди.

Иккала делегация Ўзбекистон Компартияси билан МКС ўртасида 1989—1990 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик программасини имзолади. Ҳужжатда айтилдики, иккала республика партиялари Ўзбекистон билан Македония ўртасида сиёсат, экономика, фан-техника, маданият соҳаларида ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантиришга бутун чоралар билан кўмаклашади.

Программада партия иши тажрибасини баҳам кўриш, марказий матбуот органларининг вакилларини, лекторларни бир-бирларига юбориб туриш кўзда тутилган. Унда Тошкент шаҳар партия комитети билан Македония Коммунистлар союзи Скопле шаҳар комитети ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш зарурлиги таъкидланди. Иккала республика оммавий ахборот воситалари ўртасида биргаликда материаллар, шунингдек қўшма телевизион ва радио программаларини тайёрлаб, бир-бирларига юбориб туради.

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АФЗАЛЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ноозиқ-овқат халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқариш олдинги йилдагига нисбатан деярли 12 процент ошди. Уларни тайёрлаш қуйидагича бўлди:

	1988 йилда амалдагиси	Топшириқнинг бажарилиш проценти	1988 йилда 1987 йилдагига нисбатан процент ҳисобида
Трикотаж буюмлари — миллион дона	29,9	99	105
Пайпоқлар—миллион жуфт	1,2	124	99
Пойабзал—миллион жуфт	15,3	102	103
Мебель—миллион сўмлик	149,3	97	110
Чинни-фаянс идишлари — миллион сўмлик	32,9	101	102

Ҳали ҳам кўпгина корхоналар аҳоли учун товарлар ишлаб чиқариш топшириқларини уддаламаяпти. Йил якунлари бўйича Бекобод, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Ғалаба, Калинин районлари ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари топшириқни бажаришнинг уддасидан чиқмади: Мебель, трикотаж буюмлари, гўшт, колбаса маҳсулотлари, ўсимлик мойи ва кондитер маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича топшириқлар бажарилмади.

Енгил саноат товарларининг жами ҳажми чакана нархларда 7,5 процент кўпайди. Бундай ўсишга асосан шартнома баҳолари бўйича сотиладиган алоҳида модали буюмлар ва чакана нархларига қўшимча қўйилган «Янгилик» индекси билан сифати яхшиланган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига эришилди. Масалан, 1988 йилда оширилган нарх билан сотиладиган сифати яхшиланган буюмлар тайёрлаш 34,6 процент кўпайди, айни вақтда бошқа товарларни ишлаб чиқариш бор-йўғи 3,2 процент ортди.

Чакана товар оборoти ва пулли хизматлар. Давлат ва кооператив савдоси чакана товар оборотининг жами ҳажми 4,5 миллиард сўмни ташкил этди ва 1987 йилдагига нисбатан амалдаги нархларда 298 миллион сўмлик кўпайди. Пландагидан ташқари 0,1 миллиард сўмлик товарлар сотилди. Товар оборoти сотилган товарларнинг физик ҳажми кўпайганлиги, ассортименти ўзгарганлиги, анча замонавий ва модали товарлар ишлаб чиқарилганлиги ҳисобига кўпайди.

Давлат ва кооператив савдосида айрим товарларнинг сотилиши қуйидагича бўлди (миллион сўмлик):

	1988 йилда сотилди	1988 йилда 1987 йилга нисбатан процент ҳисобида
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	372	113
Балиқ ва балиқ маҳсулотлари	27	100
Мол ёғи	82	99
Ўсимлик мойи	50	98
Маргарин маҳсулотлари	11	92
Қаймоғи олинмаган сут маҳсулотларини сутга айлантириб ҳисоблаганда	70	104
Пишлоқ	13	118
Тухум	67	108
Қанд-шакар	76	103
Кондитер маҳсулотлари	121	105
Чой	33	114
Нон маҳсулотлари — минг тонна	572	105
Картошка — минг тонна	131	98
Сабзавот, мева, цитрус, тарвуз, қовунлар — минг тонна	295	124
Алкоголсиз ичимликлар — миллион декалитр	8,3	88
Минерал сувлар — миллион декалитр	3,1	100
Мева ва сабзавот шарбатлари — шартли миллион банка	24,6	97
Арақ ва ликер-арақ маҳсулотлари — миллион декалитр	1,1	110
Узум виноси — миллион декалитр	1,2	120
Шампан виноси — минг декалитр	181	96
Коньяк — минг декалитр	97	154
Пиво — миллион декалитр	6,3	121
Тамаки маҳсулотлари	78	95
Кийимлар, ички кийимлар ва газламалар	457	104
Трикотаж буюмлари	167	100
Пайпоқлар	39	100
Чинни-фаянс,- майолика-шиша идишлари	38	103
Совун ва сунъий ювиш воситалари	21	117
Мебель	107	100
Кир ювиш машиналари — минг дона	72	100
Электр чанг сўргичлар — минг дона	63	137
Соатлар — минг дона	568	615
Фотоаппаратлар — минг дона	24	31
Радио қабул қилиш қурилмалари — минг дона	89	82
Телевизорлар — минг дона	94	108
Шу жумладан, рангли тасвирдагилари— минг дона	49	126
Магнитофонлар — минг дона	66	93
Спорт товарлари (кийимлар ва пойабзал ҳисобга кирмайди)	12	120
Велосипед ва мопедлар — минг дона	77	111
Мотоцикл ва мотороллерлар — минг дона	12	133
Енгил автомобиллар (комиссион савдоси ҳисобга кирмайди) — минг дона	42	127
Автомобиль бензини — миллион тонна	1,3	108

Колхоз бозорларида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари нархининг ошиши давом этди. 1988 йилда озиқ-овқат маҳсулотларига бозор нархи ўртача 7 процент ошгани ҳолда картошканинг нархи 19, меваники 17 процент, сабзавотларники 1,5 процент ортди. Областнинг кўпгина районларида аҳоли телерадио аппаратлари, мебель, идишларнинг кўпгина турларини, гул қоғозлар, ювиш воситалари, рўзғор ва қиммат бўлмаган атирсовунлар, парфюмерия-косметика маҳсулотлари харид қилишда қийинчиликларга дуч келмоқдалар.

Аҳолини ёғоч-тахта ва бинокорлик материаллари билан таъминлаш бирмунча яхшиланди. Бундай материаллар савдога 1987 йилдагига нисбатан 11 процент кўп етказиб берилди.

Енгил саноат товарлари ресурслари етишмаётганлиги шароитида савдода 10,2 миллион сўмлик аҳоли талабига жавоб бермайдиган, эскирган фасон, моделдаги, паст сифатли харидоргир бўлмаган ва кўп вақт туриб қолган товарлар тўпланиб қолди.

Аҳолига хизмат кўрсатишдаги катта камчиликлар ҳамон давом этмоқда. Жамоат фикрини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўпчилик харидорлар савдо хизмати даражасини қониқарсиз, деб баҳоладилар. Савдо ходимларининг қўполлиги ва эътиборсизлиги қайд қилинди. Уларнинг товарлар сифати ва хусусиятлари масалаларини яхши билмасликлари, иш вақтида иш жойларида бўлмасликлари, серталаб товарларни устига қўшимча ҳақ қўйиб сотиш фактлари ва бошқа шу каби нуқсонлар борлиги таъкидланди. Қатор жойларда айрим озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат товарларини харид қилиш учун бир неча соат вақт йўқотилмоқда.

Кўпгина ҳолларда товар ресурсларининг магазинларга бир маромда етказиб берилмаслиги қайд қилинди. Бу савдода асоссиз узилишлар бўлишига, сунъий танқислик вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Аҳолига 648,1 миллион сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. Бу 1987 йилдагига нисбатан 107,6 миллион сўмлик кўпдир. Айни вақтда йил учун белгиланган план топшириғи 92,2 процент қилиб бажарилди.

Корхоналар ва ташкилотларда аҳолига пулли хизмат кўрсатишни янада кенгайтириш имкониятларидан тўла фойдаланилмаяпти; аҳолига шундай хизматлар кўрсатиш асосий фаолияти бўлмаган министрликлар ва идораларнинг 60 процентдан кўпроғи белгиланган давлат планини бажармади.

Аҳолига 194,3 миллион сўмлик ёки 1987 йилдагига нисбатан 25,4 процент кўп маиший хизмат кўрсатилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш плани 102,3 процент қилиб бажарилди. Айни вақтда бундай хизматларнинг кўпгина турларига бўлган талаб, жумладан, трикотаж буюмлари ремонти, якка буюртмалар бўйича кийимлар тикиб бериш, трикотаж буюмларини тўқиш, ичкийимларни пардозлаш ва ювиш, прокат пунктлари, фото хизмати, химиявий йўл билан тозалаш, мебель тайёрлаш каби турларга бўлган эҳтиёж қондирилмаяпти.

Уй-жой қурилиши. Область аҳолиси маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига қурилган умумий майдони салкам 1710 минг квадрат метр саҳнли 24,1 мингта янги шинам квартиралар олди. Фойдаланишга топширилган жами уй-жой ҳажмида уй-жой-қурилиш кооперативлари ва аҳоли томонидан қурилган уйларнинг улуши 34 процентгача кўпайди.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига уй-жойларни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади: Тошкент районидаги Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, Паркент районидаги «Қуёш-физика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси, шунингдек, Тошкент область ва шаҳар ижроия комитетларининг капитал қурилиш бош бошқармалари планнинг уддасидан чиқмади.

Областнинг уй-жой фонди, Тошкент шаҳрини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 52,7 миллион квадрат метрли умумий майдонни, жон боши ҳисобига ўртача 12,3 квадрат метрни, шу жумладан уй-жойлар 8,6 квадрат метрни ташкил этди. 1988 йилнинг охирига келиб шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларида уй-жой шароитини яхшилаш учун ҳисобда 111 мингдан ортиқ оила турган эди. 61 минг нафардан ортиқ киши ниҳоятда яроқсиз бўлиб қолган (хароба ва авария ҳолатидаги) кулбаларда яшамоқда.

Халқ таълими ва маданияти. Турли ўқув юртларида 1,1 миллион киши таълим олди. Бу ўқув йилида 6 ёшдаги 34,6 минг нафар бола, улардан 7,2 минг бола мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида биринчи синф программаси бўйича ўқимоқда.

Доимий мактабгача ёшдаги болалар муассасаларида 310 минг бола тарбияланмоқда. Мактабгача ёшдаги болалар муассасаларини фойдаланишга топшириш йиллик плани бажарилди. Кўпгина мактабгача ёшдаги болалар муассасаларнинг, айниқса, шаҳарларда тиқилинчлиги сақланиб қолмоқда. Уларда белгиланган нормалардагидан ортиқча 57 минг бола тарбияланмоқда.

Маблағ билан таъминлашнинг барча манбалари ҳисобига 29,8 минг ўқувчи ўрни бўлган умумий таълим мактаблари қурилди. Бу 1987 йилдагига нисбатан 12 процент кўпдир. Мактабларни фойдаланишга топшириш плани 103 процент қилиб бажарилди.

Мактаблар ҳисоблаш техникаси билан ниҳоятда қониқарсиз таъминланган. Кундузги ўрта мактабларнинг фақатгина 10,6 процентида информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари кабинетлари бор.

66,4 минг йигит ва қиз ўрта маълумот олди. Олий ўқув юртлари 24,3 минг, ўрта махсус ўқув юртлари 24,7 минг мутахассис тайёрлади. Олий ўқув юртларига 35 минг киши қабул қилинди, ўрта махсус ўқув юртларига эса 28,7 минг киши ўқишга кирди.

Областда 1,1 миндан ортиқ кутубхона, 0,7 мингга яқин клуб муассасалари, салкам 1 минг киноқурилмалар ишлаб турди. Оммавий кутубхоналарнинг китоб фонди 20 миллион нусхадан кўпроқни ташкил этди. Кино сеансларга ташриф буюриш сони 1987 йил даражасида қолди — ҳар бир аҳоли ўртача 8 марта кинога тушди.

Аҳоли соғлиғини сақлаш. Аҳолини врачлар, ўрта медицина персонали, касалхоналар ва поликлиникалар билан таъминлаш кўпайди. Бироқ, аҳолининг, айниқса, хотин-қизлар ва болаларнинг юксак малакали тиббий ёрдамга бўлган эҳтиёжи тўла қондирилмаяпти. Областда врачлар ва касалхона ўринлари билан таъминланиш республика кўрсаткичидан анча камдир.

Йил давомида 222 ўринли касалхоналар, 1625 беморни қабул қиладиган амбулатория-поликлиника муассасалари ишга туширилди. Касалхоналарни фойдаланишга топшириш плани бажарилмади. Область агросаноат комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси бу кўрсаткич бўйича белгиланган планни уддаламади.

Область агросаноат комитети, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг капитал қурилиш бош бошқармаси, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинати амбулатория-поликлиника муассасаларини фойдаланишга топшириш планининг бажарилишини таъминламади.

Жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланиши орқада қолмоқда. Спорт иншоотлари, шунингдек, спорт анжомлари ва асбоб-ускуналари билан таъминланиш етарли эмас.

1988 йилда аҳолининг туғилиши ва вафот этиши ҳар минг киши ҳисобига 1987 йилдаги 27,3 ва 6,9 ўрнига, 25,8 ва 7,1 ни ташкил этди. Областда гўдаклар ўлими даражаси ҳамон юқорилигича қолмоқда (туғилган ҳар бир минг бола ҳисобига бир ёшгача бўлган ёшдаги болалар ўлими). Бу хотин-қизлар ва болаларга тиббий ёрдамни ташкил этишдаги камчиликлар ва хотин-қизлар меҳнатининг ноқулай шароитларига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш. Табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини амалга ошириш доимий манбалардан ҳаво ҳавзасига зарарли моддаларнинг чиқишини 1987 йилдагига нисбатан камайтирди. Тошкент шаҳридаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналаридан атмосферани ифлослантирадиган моддаларнинг чиқиши 0,7 минг тонна, Чирчиқда 10,1 минг тонна, Олмалиқда 3,2 минг тонна, Бекободда 6,1 минг тонна, Ангренда 17,5 минг тонна камайди.

Шу билан бирга умуман областда табиий ресурсларни муҳофаза қилиш ва оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларга ажратилган капитал маблағнинг 31,9 миллион сўми ўзлаштирилди. Бу планга нисбатан 93,4 процентни ташкил этади. Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Олмалиқ қурилиш материаллари ишлаб чиқариш бирлашмаси капитал маблағларни тўла ўзлаштирмади.

Оқава сувларни ташлаб юбориш атроф-муҳит ҳолатига салбий таъсир қилмоқда. Масалан, биргина Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси бўйича 229,7 миллион куб метр етарли тозаланмаган оқава сувлар оқизиб юборилган.

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ

Мавжуд ишлаб чиқаришларни техника жиҳатидан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилишда 340,9 миллион сўм давлат капитал маблағлари фойдаланилди. Корхоналар ва ташкилотларнинг бу тадбирларни амалга ошириш учун сарфлаган ўз маблағлари давлат капитал маблағлари жами ҳажмининг 66 процентини ташкил этди.

1988 йилда саноатда 84 та механизациялашган поток ва автомат линиялар, 149 та рақамли программа билан бошқариладиган металл ишлаш станоклари ўрнатилди.

Шу билан бирга саноат роботлари ва роботлаштирилган технологик комплекслари фойдаланишга топшириш сони 1987 йилдагига нисбатан камайди.

Халқ хўжалиги комплексларидаги ишлаб чиқаришларнинг техник-иқтисодий кўрсаткичлари бирмунча яхшиланди.

Ёқилғи-энергетика комплексида разрезларда очиқ усул билан кўмир қазиб чиқариш кўпайди. Унинг солиштирма вазни 90 процентни ташкил этди.

Металлургия комплексида пўлат эритишда тайёр прокатнинг солиштирма вазни ўтган йилдагига нисбатан 7,7 пункт камайди ва 81,8 процентни ташкил этди. Электр билан пўлат эритиш назарда тутилганидан кам бўлди.

Агросаноат комплексида интенсив технология асосида етиштириладиган дон экинлари майдони кўпайди, уларнинг улуши кузги донлар бўйича 10,6 процентни, дон учун маккажўхори бўйича 78,8 процентни ва шоли бўйича 83,0 процентни ташкил этди. Умуман область бўйича дон экинларининг 37 проценти ва ғўзанинг 37,9 проценти интенсив технология асосида ишланди.

1988 йилда 123 номдаги машиналар, асбоб-ускуналар, аппаратлар ва приборлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Машинасозлик комплексининг СССРда биринчи марта тайёрланиши ўзлаштирилган маҳсулоти солиштирма вазни товар маҳсулоти ҳажмида пландаги 8,1 процент ўрнига 8,7 процентни ташкил этди.

РЕСУРСЛАРНИ ТЕЖАШ

Халқ хўжалигида шартли ҳисобда 67,7 минг тонна ёқилғи-энергетика ресурслари, 29,6 минг тонна қора металлар прокати, 38,7 минг тонна цемент, 34,2 минг куб метр ёғоч-тахта материаллари, 2,5 минг тонна дизель ёнилғиси тежаб қолинди.

БОШҚАРУВНИ ВА ХЎЖАЛИК МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1988 йилда 222 ишлаб чиқариш бирлашмалари, корхоналар ва ташкилотлар (корхоналар умумий сонининг 26 проценти) хўжалик юритишнинг янги шароитларида ишлади. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлаётган саноат корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажмининг бутун ўсиши меҳнат унумдорлиги ҳисобига таъминланди.

Тўла хўжалик ҳисобини жорий қилган қурилиш ташкилотларида ўз кучлари билан пудрат ишлари планининг бажарилиши, фойда олиш, меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлари даражаси эски шароитларда ишлаётган ташкилотлардагига нисбатан юқори бўлди.

1988 йилнинг 1 декабригача 29 колхоз ва совхоз ижара пудратини қўлланди. Улардан бир совхоз тўла ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг бу шаклига ўтди.

Областда янги хўжалик механизмининг афзалликларидан тўла фойдаланилмаяпти. Тўла хўжалик ҳисоби ва ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш шароитларида ишлашга ўтган корхоналар маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини 1988 йил давомида мунтазам бажармадилар, у умуман саноатдагига нисбатан орқада қолди.

1988 йилда кооперативлар сони анча кўпайди, улар томонидан 114,2 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот реализация қилинди ва хизмат кўрсатилди.

САНОАТ

Давлат буюртмалари ва тўғридан тўғри алоқалар бўйича маҳсулот етказиб бериш юзасидан шартнома мажбуриятлари 1987 йилдаги 97,0 процент ўрнига 98,2 процент қилиб бажарилди. Корхоналар ва бирлашмаларнинг 22 проценти шартнома интизомини бузди. Улар истеъмолчиларга 139,0 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бермади (1987 йилда 220,9 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмаган эди). Тошкент шаҳридаги корхоналарнинг 17 проценти, Олмалиқда 29, Бекободда 45, Чирчиқда 39 проценти шартнома интизомини бузди.

Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 3,7 процент кўпайди.

Меҳнат унумдорлиги 5,0 процент ошди. Саноат маҳсулоти ҳажмининг бутун ортиши меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминланди. Шу билан бирга ўртача иш ҳақининг ортиши меҳнат унумдорлигининг ортишидан илдам борди.

1988 йилда область шаҳарлари ва районлари бўйича саноат иши қуйидагича бўлди (Иттифоққа бўйсунадиган саноат ҳам ҳисобга киради):

	Маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларининг бажрилиши	Истеъмолчиларга етказиб берилмаган маҳсулот, миллион сўмлик	Шартнома мажбуриятларини бажармаган корхоналар улуши	Амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот ҳажми (ишлар, хизматлар)	Амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги
ЖАМИ	98,2	139,0	22	3,7	5,0
Тошкент	98,8	52,3	17	7,6	8,1
Область	97,5	86,7	26	—0,6	1,9
Шаҳарлар:					
Олмалиқ	97,9	18,2	29	—0,1	2,9
Ангрен	97,3	6,7	20	2,6	3,1
Оҳангарон	98,1	3,2	43	3,2	3,8
Бекобод	89,9	22,6	46	—5,3	—1,3
Нариманов	99,8	0,1	8	13,6	14,8
Чирчиқ	97,9	15,8	39	2,4	5,4
Янгийўл	97,4	6,6	35	—	—
Районлар:					
Оққўрғон	97,2	1,4	33	3,2	12,2
Оҳангарон	85,2	2,7	100	8,1	10,1
Бекобод	100,0	—	—	—15,8	—2,9
Бўстонлиқ	98,8	1,1	33	4,2	6,8
Бўка	100,0	—	—	—2,5	16,1
Ғалаба	99,1	0,6	17	—1,8	5,7
Калинин	97,7	6,2	33	—5,9	—7,3
Коммунистик	100,0	—	—	—3,8	1,8
Оржоникидзе	98,0	1,3	25	—10,6	—6,2
Паркент	100,0	—	—	15,2	—8,9
Пискент	100,0	—	—	—7,1	10,6
Ўрта Чирчиқ	100,0	—	—	—2,3	0,3
Тошкент	99,4	0,3	20	12,4	20,6
Чиноз	100,0	—	—	—10,9	—6,4

Янги объектларда ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш билан боғлиқ бўлган ишлар аҳволи яхшиланмаяпти.

Ўтган даврда 1987—1988 йилларда фойдаланишга топширилган ва реконструкция қилинган объектлар қувватидан фойдаланишни тадқиқ қилиш шуни кўрсатдики, улар январь-ноябрда ўртача 60 процент қуввати билан ишлаган. Тадқиқ қилинган объектлар бўйича лойиҳа қувватларини ўзлаштиришдаги қолоқлик оқибатида йўқотилган жами маҳсулот ҳажми салкам 37 миллион сўмни ташкил этди.

Юқори сифат категориясида маҳсулот ҳажми олдинги йилдагига нисбатан кўпайди. Шу билан бирга қатор корхоналарда стандартларга мувофиқ бўлмаган маҳсулот ишлаб чиқариш давом этмоқда. Бунинг оқибатида маҳсулотнинг давлат қабули шароитларида ишлаётган 25 корхонада бир йилда биринчи тақдим этишда 190 миллион сўмлик 8 процент маҳсулот қабул қилинмади, бу маҳсулотнинг 0,7 миллион сўмлиги тамомила брак қилинди.

1988 йилда халқ хўжалиги комплекслари бўйича фаолият кўрсаткичлари қуйидагича бўлди (процент ҳисобида):

	Амалдаги ўсиш суръатлари: маҳсулот ҳажми (ишлар, хизматлар)	Амалдаги ўсиш суръатлари: меҳнат унумдорлиги
Ёқилғи-энергетика комплекси	—3,7	—2,6
Металлургия комплекси	—2,4	1,1
Машинасозлик комплекси	9,6	10,4
Химия-ўрмон комплекси	8,0	7,7
Агросаноат комплекси	—2,1	—0,4
Социал комплекс (Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлиги)	6,4	6,5
Қурилиш комплекси (Ўзбекистон ССР Винокорлик материаллари саноати министрлиги)	0,6	1,7

Ёқилғи-энергетика комплекси корхоналари электр энергияси ҳосил қилиш топширигини бажарди. Кўмир қазиб чиқариш плани бажарилмай қолди. Комплекснинг катор бирлашмалари ва корхоналари маҳсулот етказиб бериш бўйича шартнома мажбуриятларини тўла бажармади. Умуман комплекс бўйича истеъмолчиларга 6,2 миллион сўмлик маҳсулот, шу жумладан, СССР Кўмир саноати министрлиги корхоналари бўйича 6,1 миллион сўмлик маҳсулот етказиб берилмади.

Металлургия комплекси корхоналари пўлат ва прокат ишлаб чиқариш бўйича белгиланган топшириқларни бажармади, уларни ишлаб чиқариш ҳажмини ўтган йилдагига нисбатан пасайтирди. Йўл қўйилган қолоқлик истеъмолчилар олдида шартнома мажбуриятларини тўла бажариш имконини бермади. СССР Қора металлургия саноати ва Рангли металлургия саноати министрликлари корхоналари маҳсулот етказиб беришда катта қолоқликка йўл қўйдилар.

Машинасозлик комплексида маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши саноат ишлаб чиқариши жами ҳажми ортишига нисбатан 2,6 баравар илдам борди.

Химия асбоб-ускуналари, экскаваторлар, йигирув ва қишлоқ хўжалик машиналари ҳамда машиналар ва асбоб-ускуналарнинг бошқа турлари бўйича давлат буюртмаси топшириқлари бажарилди ва уларни ишлаб чиқаришда ўсишга эришилди. Шу билан бирга СССР Электротехника саноати министрлиги корхоналари топшириқдагига нисбатан 1,6 минг дона куч трансформаторлари, СССР Химия машинасозлиги министрлиги корхоналари 787 компрессор, СССР Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналари 1637 та трактор прицепини кам берди.

Химия-ўрмон комплекси корхоналари олтингугурт кислотаси, минерал ўғитлар, аммиак селитраси, карбомид ишлаб чиқариш бўйича топшириқларни бажарди.

1988 йилда айрим муҳим саноат маҳсулоти турларини ишлаб чиқариш қуйидагича бўлди:

	1988 йилда амалдагиси	Топшириқнинг бажарилиш проценти	1988 йилда 1987 йилга нисбатан процент ҳисобида
Электр энергияси — миллиард киловатт-соат	20,7	100	92
Куч трансформаторлари — миллион киловольт-ампер	7,7	87	93
Компрессорлар — минг дона	11,3	94	104
Химия асбоб-ускуналари ва уларга эҳтиёт қисмлар — миллион сўмлик	40,4	101	122
Йигирув машиналари — дона	1498	103	114
Тракторлар — минг дона	22,4	100	87
Трактор прицеплари — минг дона	30,2	95	109
Қишлоқ хўжалиги машиналари — миллион сўмлик	181,6	103	107
Пахта териш машиналари — минг дона	8,1	100	105
Экскаваторлар — дона	1587	100,8	103
Минерал ўғитлари (тўйимли моддалари 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) — миллион тонна	0,8	105	104
Олтингугурт кислотаси — минг тонна	1479	100	100
Сунъий смола ва пластмассалар — минг тонна	83,1	90	95
Қоғоз — минг тонна	25,6	101	103
Картон — минг тонна	7,4	102	101
Асбоцемент тахталари (шифер) — шартли миллион плита	234	95	107
Асбоцемент қувурлари ва халқалари — шартли минг километр	2,4	100,3	104
Дераза ойнаси — миллион квадрат метр	1,7	80	77

АГРОСАНОАТ КОМПЛЕКСИ

Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулоти 1987 йилдагига нисбатан 3,1 процент камайди.

Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг рентабеллилиги ошди, зарар келтираётган совхозлар сони камайди. Шу билан бирга область агросаноат комитетининг ўнта совхози йилни зарар кўриш билан якунлади, бу зарарнинг миқдори 4 миллион сўмликдан кўпроқни ташкил этди.

Барча категориядаги хўжаликларда асосий қишлоқ хўжалик экинларини ялпи ҳосили қуйидагича бўлди (минг тонна):

	1988 йил	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1981—1985 йиллар	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1986—1988 йиллар
Дон	205,0	232,7	177,2
Пахта	408,4	413,6	403,0
Картошка	86,0	119,3	82,9
Сабзавотлар	665,1	620,8	636,6
Озуқабоп полиз маҳсулотлари	55,6	56,9	52,2
Мева ва резавор мева, цитрус мевалари ҳам ҳисобга киради	89,3	173,6	100,1
Узум	99,8	92,5	102,5

1988 йилда ҳар гектар ердан олинган дон экинлари ҳосилдорлиги 1987 йилдаги 22,5 центнер ўрнига 26,7 центнерни, шоли бўйича 48,1 ўрнига 52,8, дон учун маккажўхори бўйича 35,2 ўрнига 45,1, пахта бўйича 24,7 центнер ўрнига 28,9 центнерни ташкил этди.

Оржоникидзе ва Чиноз районлари колхозлари, совхозлари ва бошқа давлат хўжаликлари ғалла, Бекобод районлари картошка, Оҳангарон, Калинин, Оржоникидзе ва Тошкент районлари хўжаликлари сабзавот, Оққўрғон, Оҳангарон, Бекобод ва Янгийўл районлари хўжаликлари озуқабоп полиз маҳсулотлари, Пискент, Бекобод, Бўстонлиқ ва Бўка районларидан ташқари барча районлар мева ва резавор мевалар, Оҳангарон, Бўстонлиқ, Паркент ва Пискент районларидан ташқари бошқа районлар узумни олдинги йилдагига нисбатан кам етиштирдилар.

Умуман область бўйича 1988 йилда жамоат қишлоқ хўжалиги пландагига нисбатан 15,6 минг тонна картошка, 42,2 минг тонна мева ва резавор мева, 8,2 минг тонна узум кам етиштирди. Область пахта толаси харид қилишга бўлган давлат буюртмасини бажарди. Ҳаммаси бўлиб 134,3 минг тонна тола харид қилинди.

Хўжаликларнинг барча категорияларида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш қуйидагича бўлди:

	1988 йил	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1981—1985 йиллар	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1986—1988 йиллар
Гўшт (сўйилган вазнда) — минг тонна	68,0	58,2	63,6
Сут — минг тонна	389,1	355,3	376,4
Тухум — миллион дона	726,2	515,1	682,5
Жун (физик вазнда) — тонна	2115	1728	2002

1987 йилдагига нисбатан гўшт (сўйилган вазнда) 8 процент, сут 3 процент, тухум 6 процент, жун 4 процент кўп етиштирилди. Чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга чорва ва парранданинг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдори 108 килограмм ёки 3,8 процент, ҳар бир товуқдан олинган ўртача тухум миқдори 11 та ёки 5,2 процент кўпайди.

Шу билан бирга Оққўрғон, Ғалаба, Тошкент ва Чиноз районлари колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида гўшт, Ғалаба, Калинин, Тошкент ва Янгийўл районларида сут, Бўка, Калинин, Оржоникидзе, Ўрта Чирчиқ районларидан ташқари барча районлар хўжаликларида тухум 1987 йилдагига нисбатан кам етиштирилди.

Хўжаликларнинг барча категорияларида чорвачилик маҳсулотларини **давлат йўли билан харид қилиш** қуйидагича бўлди:

	1988 йил	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1981—1985 йиллар	Маълумот учун: йилига ўрта ҳисобда 1986—1988 йиллар
Қорамол ва парранда (тирик вазнда) — минг тонна	60,7	48,0	57,5
Сут — минг тонна	167,9	149,6	163,1
Тухум — миллион дона	504,6	319,6	451,4
Жун (тоза толага айлантириб ҳисоблаганда) — тонна	1279	1094	1255
Пилла — тонна	2350	2329	2350

Оққўрғон, Бўстонлиқ, Ғалаба ва Тошкент районлари хўжаликлари давлатга қорамол ва парранданн, Ғалаба, Калинин, Пискент ва Тошкент районлари хўжаликлари сутни, кўпчилик районлар тухумни 1987 йилдагига нисбатан кам топширдилар.

(Давоми 3-бетда).

ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТ АФЗАЛЛИКЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНАЙЛИК

(Давоми. Боши 1- ва 2-бетларда).

Маҳсулдор чорва **тўёғининг** ўзгариши қуйидагича бўлди (1 январгача, минг бош):

	хўжаликларнинг барча категориясида		Шу жумладан, аҳолида	
	1988 йил	1989 йил	1988 йил	1989 йил
Қорамоллар	387,1	383,1	174,1	176,0
шу жумладан, сигирлар	147,3	152,5	89,2	92,8
Чўчқалар	259,4	223,0	5,1	5,2
Қўй ва эчкилар	544,8	573,2	202,5	202,7

Бўка, Калинин ва Пискент районлари колхозлари, совхозлари ва хўжаликлараро корхоналарида қорамол, Оҳангарон ва Коммунистик районлари хўжаликларида чўчқа, Оҳангарон, Бекобод, Бўстонлиқ, Калинин, Пискент, Ўрта Чирчиқ, Чиноз ва Янгийўл районлари хўжаликларида қўй ва эчкилар сони кўпайди.

Қишлоқ хўжалик корхоналарида 1989 йил бошига келиб ҳар бир қорамол боши ҳисобига 6,0 центнер озуқа бирлиги бор эди, бу зоотехника нормаларида назарда тутилган эҳтиёждан камдир.

Давлат агросаноат комитетига 24,8 мингта трактор культиваторлари, 8,1 мингта пахта териш машиналари, 1,6 мингта экскаваторлар ва бошқа қишлоқ хўжалик техникаси етказиб берилди. Минерал ўғитларидан (тўйимли моддаларини 100 процентга айлантириб ҳисоблаганда) 799,8 минг тонна етказиб берилди.

Область агросаноат комплексини ривожлантириш учун 504 миллион сўм капитал маблағ ёки белгиланган лимитнинг 89 проценти фойдаланилди. Бу маблағнинг 334 миллион сўми ёки 66 проценти қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга, 17 миллион сўми ёки 3 проценти қайта ишлаш тармоқларини, 65 миллион сўми ёки 13 проценти қишлоқ хўжалигини ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди. Давлат марказлашган маблағлари ва корхоналар фондлари маблағлари ҳисобига 6,5 минг тонна картошка, сабзавот ва мевалар сақланадиган омборхоналар фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга омухта ем корхоналарини ишга тушириш бўйича план-топшириқларнинг бажарилиши барбод этилди.

Сув хўжалиги қурилишига сарфланган капитал маблағ 42 миллион сўмни ташкил этди. 1,1 минг гектар майдонда янги суғориладиган ерлар ишга туширилди. 2,1 минг гектар экин майдонининг мелиоратив системаларини комплекс реконструкция қилиш бўйича ишлар амалга оширилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат капитал маблағлари ҳисобига 1320,6 миллион сўмлик, шу жумладан 892,2 миллион сўмлик **асосий фондлар** ишга туширилди.

Давлат капитал маблағлари лимитини ўзлаштириш ҳамда 1988 йилда халқ хўжалиги ва комплексларида ана шу маблағлар умумий ҳажмида корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағларининг улуши қуйидагича бўлди:

	Давлат капитал маблағлари — миллион сўм		Давлат капитал маблағларини ўзлаштириш процентлари		
	Жами	Шу жумладан, корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари	Жами	Шу жумладан, корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағлари ҳисобига	Давлат капитал маблағлари ҳажмида корхоналар ва ташкилотлар фондлари маблағларининг солиштирма улуши, процент ҳисобида
Халқ хўжалиги бўйича жами	1482	414,2	89	95	28
Шу жумладан:					
Ёқилғи-энергетика комплекси	159,6	36,4	95	108	23
Металлургия комплекси	121,3	57,2	94	98	47
Машинасозлик комплекси	95,7	45,2	91	123	47
Химия-ўрмон комплекси	65,4	33,5	80	76	51
Қурилиш комплекси	98,7	15,1	92	132	15

Ёқилғи-энергетика комплексида Янги Ангрен ГРЭСида бешинчи энергоблок ва Ангрен қўмир разрезида қўмир қазиб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди.

Металлургия комплексида Бекободдаги Ўзбекистон металлургия заводида қора металлар прокати ишлаб чиқариш бўйича қувватлар фойдаланишга топширилди.

Химия-ўрмон комплексида Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида суст азот кислотаси ишлаб чиқариш бўйича қувватлар ишга туширилди.

Қурилиш комплексида Ўзбекистон ССР Давлат қурилиш комитети корхоналарида йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари, пенополистирол ишлаб чиқариш бўйича қувватлар фойдаланишга топширилди.

Шу билан бирга ишлаб чиқариш қурилишининг ишга туширилиши программасининг бажарилиши таъминланмади, қатор йирик қувватлар ва объектлар фойдаланишга топширилмади. Улар орасида Оҳангарон цемент ишлаб чиқариш бирлашмасида цемент, Оҳангарондаги бинокорлик материаллари ва пластмасса комбинатида линолеум, Тошкент чинни заводида чинни буюмлари, Чирчиқдаги бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатида керамзит ишлаб чиқариш бўйича қувватлар бор.

Умуман қурилиш ташкилотлари бўйича ўз кучлари билан бажарилган пудрат ишлари плани 99 процент қилиб бажарилди.

ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг айрим турлари бўйича **юк ташиш** қуйидагича бўлди:

	1988 йил — миллион тонна	1988 йилда 1987 йилга нисбатан процент ҳисобида
Транспорт — жами	100,2	104,4
Шу жумладан:		
Темирйўл транспорти	30,2	99,9
Автомобиль транспорти	70,0	106,4
Авиация транспорти — минг тонна	42,4	100,6

Юк жўнатиш бўйича йиллик топшириқ темирйўл транспортида 101,8 процент, авиация транспортида 106,2 процент, автомобиль транспортида 98,6 процент қилиб бажарилди.

Темирйўл транспорти бинокорлик материалларини жўнатиш планининг бажарилишини (98,9 процент) таъминламади.

Корхоналарнинг тармоқ йўлларига келган вагонларнинг юкни тушириш ва ортиш вақтида оммавий ва кўп туриб қолиши ҳамон давом этмоқда.

Умумий фойдаланишдаги транспортнинг барча турларида **пассажир обороти** 0,4 процент кўпайди ва 18,0 миллиард пассажир километрни ташкил этди. Темирйўл транспортида пассажир обороти йиллик плани 99,3 процент, авиация транспортида 102,8 процент қилиб бажарилди.

Автобуслар ва енгил таксиларда пассажирларни ташишдан олинган даромад 97,7 миллион сўмни ёки планга нисбатан 99,8 процентни ва 1987 йилдагига нисбатан 101,1 процентни ташкил этди.

Алоқа корхоналари 1988 йилда аҳолига 53,7 миллион сўмлик хизмат кўрсатди. План 99,1 процент қилиб бажарилди.

Умумий фойдаланишдаги телефон тармоғида асосий телефон аппаратлари сони 1989 йилнинг 1 январига келиб 1988 йилнинг 1 январидагига нисбатан 33 мингта кўпайди ва 466 мингтани ташкил этди. Алоқа корхоналари ишида корреспонденцияларни вақтида етказиб бермаслик, почта орқали юборилган посилкалар ва пуллар йўқолиши ва ўғирланиши ҳоллари ҳали ҳам учраб турибди.

Халқ хўжалигининг барча тармоқлари янги хўжалик механизми шароитларида ишлашга ўтган 1989 йилда ҳамма жойда ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишнинг энг самарали шаклларини жорий этишни таъминлаш, бозорнинг баланслигини таъминлаш ва молия муносабатларининг тартибга солинишига эришиш, экономикани бошқаришнинг яхлит системасини шакллантириш учун, ўн иккинчи беш йилликнинг муваффақиятли якунлаш учун мустаҳкам замин яратиш зарур.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ХАЛҚ КОНТРОЛИ

НАЗОРАТ БЎШ БЎЛГАЧ

Область халқ контроли комитетида «Узбекрезинотехника» ишлаб чиқариш бирлашмасининг шартнома асосида маҳсулотларни буюртмачиларга қай даражада етказиб бераётганлиги ва маҳсулот сифати ҳақидаги масала муҳокама этилди.

Бирлашма маъмурияти (бош директори И. Искандаров) шартноманинг тўла бажарилишини қониқарли назорат қилмаяпти. Натижада бу борадаги планлар тез-тез бажарилмай қолаяпти. Ой охири ур-сур бўлиб ўтмоқда. Оқибатда корхона катта суммада жарима тўлашга мажбур бўлмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, идоравий назорат мутлақо талабга жавоб бермайди. Корхона ишлаб чиқариш-хўжалик ва молия фаолияти комплекс ревизиялари юзаки ўтказилади, планларнинг нега бажарилмаётганлиги, ишлаб чиқаришга боғлиқ бўлмаган ҳаражатларнинг кўпайиб кетаётганлиги сабаблари очиб ташланмайди.

Бирлашмада давлат қабули маҳсулот сифатини яхшилаш йўлида талаб даражасида иш олиб бормаяпти. Чунки давлат қабулига ўтишга тайёргарлик жараёнида пухта замин яратилмади. Давлат қабули раҳбари Э. Ҳакимовнинг масъулиятни яхши ҳис этмаслиги туфайли буюртмачиларга брак маҳсулотлар жўнатиш давом этмоқда. Давлат қабули ишлаб чиқаришни технологик жиҳозлаш масалаларини бўш назорат қилмоқда. Маҳсулот сифатини оширишга қаратилган тадбирларнинг қандай адо этилаётганлиги кузатиб борилмайди. Ҳатто ўзлари бирлашма корхоналарига юборган кўрсатма, тавсияларнинг бажарилиши устидан ҳам назорат ўрнатмаганлар.

Юқоридаги каби камчиликларга йўл қўйганликлари учун комитет йиғилишида бирлашма бош инженери Х. Асадов, Тошкент резинотехника буюмлари заводи директори Б. Каримовга қаттиқ виговор эълон қилинди.

АТРОФ-МУҲИТНИ ИФЛОСЛАНТИРМАНГ

«Ахангаранцемент» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳар йили 100 минг тонна атрофида цемент, кўплаб шифер ва асбоцемент трубаларини кам бермоқда. Планлаштирилган цемент хиллари керакли миқдорда ишлаб чиқилмайди. Натижада бирлашма буюртмачиларга кўплаб жарималар тўлашга мажбур бўлаяпти.

Шиферларни қоида бўйича ортмаслик маҳсулотларнинг нес-нобуд бўлишига олиб келмоқда. Жарималар кетидан жарималар тўланмоқда. Бироқ бунинг учун ҳеч ким жавобгар қилинмайди. Корхонанинг зарарига ёзиб қўйилаверади.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш хизматининг талаб даражасида эмаслиги ва улар фаолиятини маъмурият томонидан қаттиқ назорат қилинмаслиги сабабли 68 тозалаш қурилмасидан 18 таси ремонталаб бўлиб ётипти. Ишлаб турган қурилмаларнинг айримлари эса атмосферага нормага нисбатан бир неча ўн марта кўп чиқит газ чиқармоқда.

Бекобод цемент комбинати ҳам клинкер, шифер, асбоцемент трубалари, оҳак ишлаб чиқариш бўйича қувватларни ўзлаштиришга етарли эътибор бермаяпти. Шифер ишлаб чиқариш планининг бажарилмаслигига асосий сабаблардан бири — хом ашё тайёрлаш бўлинмасининг етишмаслигидир. Бу бўлинма қурилиши чўзиб юборилмоқда. Труба-шифер ишлаб чиқаришида бир неча йиллардан бери сурункали равишда нормадан кўп асбест ишлатиб юборилмоқда.

Комбинатда шунингдек шартномалар асосида маҳсулот етказиб бериш планлари адо этилмай қолаяпти. Бу корхонада ҳам атроф муҳитни муҳофаза қилиш хизмати яхши фаолият кўрсатмаяпти. 25 манбадан 10 таси чанг тозалаш қурилмаси билан жиҳозланмаган. Натижада ҳар йили атмосферага 5 минг тоннадан кўп чиқит гази кўтарилмоқда.

Область халқ контроли комитети йиғилишида юз берган камчиликлар қаттиқ танқид қилинди ва айбдорларга нисбатан чоралар кўрилди.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ЗАРАР КЕЛТИРМОҚДА

«Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамчи хўжалик учун ажратилган 238 гектар ердан унумли фойдалана олмаяпти. Силос учун макка пояси олиш ва беда ҳосилдорлиги областдаги ўртача ҳосилдорликка нисбатан бир ярим бараварга кам бўлмоқда. Агар 1987 йилда силос учун 250 ўрнига 157 тонна кўкпоя олинган ва план 62,4 процентга бажарилган бўлса, 1988 йилда бор-йўғи 58 процентга адо этилди, яъни 145 тонна кўк масса йиғиштириб олинди, холос.

Кўзда тутилган миқдорда экин турлари экилмаганлиги ва ҳосилдорликнинг паст бўлаётгани учун кейинги икки йилда планлар бажарилмай қолмоқда. Бирлашма раҳбарлари эса планларни бажармаслик ва зарар кўриш ҳолларига муроса қилиб келмоқдалар. 1984—1988 йилларда ёрдамчи хўжалик учун 1,3 миллион сўм сарфланди. Ҳар йили қилинган харажатлар эса қопланмай келаяпти.

Чорвачилик ҳам оқсамоқда. Ёрдамчи хўжалик 1983 йилда ташкил этилган бўлсада, ҳозиргача қишлов учун етарли шароит яратилмаган.

Чорва молларининг нобуд бўлиши, мажбурий сўйиб юбориш ҳоллари тез-тез юз бермоқда. Агар шундай кўнгилсизликлар юз бермаганда 1988 йилда қўшимча 10 тонна атрофида гўшт етиштириш имкони бўлар эди.

Ёрдамчи хўжаликда зооветеринария хизмати қониқарсиз аҳволда. Шунинг учун ҳам чорва моллари насли яхшиланмаяпти, маҳсулдорлик камайиб бормоқда.

Мазкур йиғилишда бирлашма бош директори А. Голубевга ёрдамчи хўжалик иши устидан етарли назорат ўрнатмаганлиги кўрсатиб ўтилди, бирлашма бош директорининг ўринбосари Ш. Ғафурбековга виговор эълон қилинди.

✦ **ОҚҚЎРҒОН районидаги С. Сегизбоев номли совхозда янги теплица қурилиб ишга туширилди. Турғун Ҳалилов бошчилик қилаётган парник хўжалиги коллективи биринчи галда совхоз боғчаларида тарбия қилинаётган меҳнаткашларнинг фарзандларига эртаги сабзавот ва ош кўклар етказиб беришни режалаштирмоқдалар. Шунингдек, бу ерда етиштирилган маҳсулотлар совхоз ишчи ва хизматчиларига ҳам сотилади. СУРАТЛАРДА: (юқорида) Т. Ҳалилов; «ойнаванд дала»даги кўкатлар суғорилмоқда.**

Ҳ. Аввалов фотолари.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯГА БАҒИШЛАБ

Район аҳолиси ўртасида ҳуқуқий тарбияни янада кучайтириш мақсадида аҳоли пунктлари ва қишлоқларда меҳнаткашларнинг маъмурий органлар раҳбарлари, ҳуқуқшуносларнинг, партия ва Совет ходимлари билан учрашувларини ўтказиш белгиланди. Бундай тадбирлар ҳар ойда бир марта қишлоқ Советларида навбат билан ўтказилади. Илк учрашув Паркент шаҳри меҳнаткашлари ўртасида бўлиб ўтди. У савол-жавобларга бой, қизиқарли тусда ўтди.

Т. ДЎСМАТОВ.

• Ягона назорат группалари

ЯНГИЧА ИШ, ЯНГИЧА ТАЖРИБА

У асли деҳқон фарзанди. «Ленинград» колхозида туғилиб ўсди, улғайди, малакали мутахассис бўлди. Касби бухгалтерлик. Кўп йиллар давомида колхоз ишлар чиқаришда турли вазифаларда ишлади. 1984 йилдан бери эса колхоз тафтиш комиссиясининг раиси бўлиб ишлаб келмоқда.

Н. Раимқуловда қатъийлик, коммунистга хос фидоийлик ҳар бир ишида сезилиб туради. Уни одамлар айнан мана шу фазилатлари учун қаттиқ ҳурмат қилишади. Колхоз правленияси, партия комитети, активлар шу сабабдан ягона назорат группаси раислигига унинг номзодини кўрсатишди.

— Нуриддин ака, хўжаликдаги қатор жамоат назорат тармоқлари бирлаштирилиб, ягона назорат группаси ташкил қилинибди. Сиз айни пайтда колхоз тафтиш комиссиясининг раиси ҳамсиз. Бу икки вазифа оғирлик қилмаяптими? — сўрайман ундан.

— Янгича усул қайтага қўл келди. Иш самараси яққол кўринмоқда. Биз бундан кейин ягона назорат ишини такомиллаштириб бораверамиз.

Дарҳақиқат, ягона назорат группаси иши билан колхоз правленияси раиси Кененбой Усмонов ҳам, колхоз партия комитетининг секретари Мусурмонқул Абдураимовлардан тортиб ҳамма қизиқади, ёрдам беради. Чунки группанинг самарали фаолиятидан хўжаликка фойда келаяпти. Хўжасизликка, ташмачилик, лоқайдликка ўт очилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида группа назоратчилари томонидан 30 дан ортиқ текшириш ўтказилди. Улар натижаси группа бюросининг мажлисларида кўрилиб, текшириш материаллари колхоз правлениесига, район халқ контроли комитетига оширилди.

Ягона назорат группасида бугунги кунда 6 та сектор фаолият кўрсатмоқда. Жумладан, гражданларнинг ариза ва шикоятлари, оғзаки мурожаатлари билан ишлаш секторига энг кўп хатлар ва аризалар тушмоқда. Улар дарҳол ўрганилиб, лозим бўлганларини колхоз правлениесига тақдим қилишаяпти. Масалан, қишлоқ хўжалик сектори аъзолари ўтган йилнинг ғўза парвариши даврида хўжаликнинг 10-бригадаси даласида қалин ўт босган экин майдонлари борлигини аниқлашди. Шу жойда акт тузилиб, масала, ягона назорат группаси бюроси йиғилишида кўриб чиқилди ва текшириш материали колхоз правлениесига берилди.

Колхоз правлениесининг қарори билан мазкур бригаданинг бошлиғи ва ҳисобчисига жарима солинди. Бош агрономга назоратни бўшаштириб юборганлиги кўрсатилди. Сифатсиз ишлов сабабидан 495 сўм пул тўланмади.

Группа фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Текширишларнинг ўз вақтида ва самарали бўлишида группанинг Амир Хўжабоев, Турсун Корбаков, Эрқул Эшонқулов сингари актив назоратчилари хизмати катта бўлаяпти.

Колхоз меҳнаткашлари ўтган 1988 қишлоқ хўжалик йилини асосий кўрсаткичлар бўйича яхши якунлаб, 1989 йилни янги умидлар билан бошладилар. Колхоз ягона назорат группаси колхоз партия комитетининг аъзоси Н. Раимқулов бошчилигида сифат, юқори самара учун курашнинг олдинги сафида бормоқда.

С. МУСТАФОЕВ,
Ғалаба райони.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

• МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР •

КЕНГАШ ТУГАДИ

НЬЮ-ЙОРК. (ТАСС). Бу ерда Коста-Рика, Сальвадор, Гондурас, Никарагуа ташқи ишлар министрлари ва Гватемала ташқи ишлар министрининг ўринбосари иштирокидаги кенгаш ниҳоясига етди. Мазкур мамлакатлар президентларининг 13—14 февраль кунлари Сальвадорда бўладиган учрашувининг кун тартибини ишлаб чиқиш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Кенгаш якунлари юзасидан қабул қилинган баёнотда томонлар БМТ раҳнамолиги остида Марказий Америкадаги аҳволни тинч бартараф этиш тўғрисидаги Гватемала битимларини бажариш учун халқаро назорат механизмини вужудга келтириш зарур, деган яқдил фикрга келдилар.

ВАЗИЯТ КЕСКИНЛАШДИ

БАЙРУТ. (ТАСС). Ғарбий Байрутда вазият яна кескинлашди. Маҳаллий радиостанцияларнинг хабар қилишича, телемарказ биносига қарата гранотомётдан ўқ узилди. Одамлар қурбон бўлмади, аммо шаҳар марказида жойлашган бинога моддий зарар етказилди. Ливан полициясининг вакилининг хабар қилишича, пайшанба куни Ғарбий Байрутдан жануброкда саккиз киши ҳалок бўлди. Уларнинг барчаси номаълум жойлардан ўқ узаётган мерганларнинг қурбони бўлди.

Ливан тараққийпарвар социалистик партиясининг таниқли арбоби, шу партиянинг собиқ бош секретари Анвар Фатоирий билан унинг қўриқчиси Байрутдан 23 километр жануброкда жойлашган Жахелия қишлоғи яқинида ўлдирилди.

АФҒОНИСТОНДА ЖАНГЛАР ДАВОМ ЭТАЯПТИ

КОБУЛ (ТАСС). Муросасиз оппозиция бўлинмалари Нанграҳор вилоятининг Рудат ва Дэҳ-Боло уездларидаги хавфсизлик постларини яна оғир тўплардан ўққа тутди. Экстремистлар шунингдек «ер-ер» классидаги ракеталар билан Хост, Гардез, Ғазна, Лашкаргоҳ шаҳарларини ҳам ўққа тутдилар. Аҳоли ва афғон армияси ҳарбий хизматчилари орасида қурбонлар бор.

Бунга жавобан афғон артиллерияси Қандаҳор вилоятининг Тур Котал районида тўпланган исёнчиларга қарши зарба берди. 12 нафар экстремист ўлдирилди, 5 нафари ярадор қилинди. Операцияни ўтказиш чоғида афғон ҳарбий хизматчиси ҳалок бўлди. Тоҳар, Вардак вилоятларида ва Саланг довонига яқин районларда оппозициянинг сиёсий эътиқоди турлича отрядлари орасида қонли тўқнашувлар янги куч билан авж олиб кетди. Г. Ҳиматёрнинг «Афғонистон Ислом партияси» (АИП) ва «Афғонистон Ислом жамияти» (АИЖ)нинг тўдалари орасида Тоҳарда бўлган жанглар давомида 160 дан зиёд киши ўлдирилган, 50 киши ярадор бўлган. АИЖ отрядлари Вардак вилоятида катта талофотлар бераяпти. Фақат сўнгги бир неча кун ичида улардан 200 га яқин киши ўлдирилди ва ярадор қилинди.

ЖАР ҚЎШИНЛАРИ АНГОЛАГА БОСТИРИБ КИРДИ

ЛУАНДА. (ТАСС). ЖАР мунтазам армиясининг бўлинмалари чоршанба куни Ангола Халқ Республикаси территориясига бостириб кирди. Армия бўлинмалари Квандо-Кубанго вилоятида 40 километр ичкарига силжидилар. Бу ҳақда Ангола Халқ Республикасининг мудофаа министрлиги хабар берди. Шундай қилиб, Преторія Жануби-Ғарбий Африкадаги аҳволни тинч бартараф этиш ҳақида ўтган йилнинг декабрида Нью-Йоркда имзоланган битимларнинг руҳи ва ҳарфини қўпол равишда бузди, деб таъкидланади министрликнинг пайшанба куни тарқатган баёнотида.

ҚУРОЛЛАНГАН НОМАЪЛУМ КИШИ УШЛАНДИ

ИСЛОМОБОД. (ТАСС). Миллий Ассамблея мажлиси бўлаётган вақтда қуролланган номаълум киши Покистон парламенти биносига суқулиб кирди. Ассамблея мажлисида Бош министр Беназир Бхутто қатнашаётган эди. Маҳаллий газеталарнинг хабарларига қараганда, ёвуз ниятли киши соқчилар эътиборини тортган ҳассага таянмай юра олмаслигига хавфсизлик хизмати ходимларини ишонтириб, ташқаридаги қўриқчилар даврасидан ўтишга муваффақ бўлган.

Ҳассанинг пастки қисмига калта милтиқ ўрнатилган бўлиб, у жуда усталик билан ниқобланган эди. Ҳасса шундоққина мажлислар залига кираверишда хизмат вазифасини ўтаётган соқчида шубҳа уйғотди. Шундан сўнг соқчи уни синчиклаб кўздан кечирди ва ташқи кўринниши беозор темир сопли ҳасса ичида нима борлигини аниқлашга муваффақ бўлди. Милтиқ ўқланган эди, эгасининг ёнидан эса эҳтиёт шарт яшириб қўйилган яна бир неча ўқ чиқди.

Хавфсизлик хизмати тергов бошлади.



✦ ЧИРЧИҚДА, запасдаги интернационал жангчиларнинг биринчи республика йиғини бўлиб ўтди. Ўзбекистон Ленин комсомоли Марказий Комитети ташаббуси билан ўтказилган бу тадбирда Афғонистон ниқилоби иши учун курашнинг шиддатли мактабини ўтаб қайтган жангчи-интернационалчилар иштирок этдилар. СУРАТЛАРДА: йиғилиш пайти.

Ф. Қурбонбоев фотолари.

(ЎзТАГ).

АНЪАНАВИЙ НАВОИЙХОНЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

ШОИР МЕРОСИ — БЕБАҲО ХАЗИНА

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи, республика Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти ва Навоий комитетининг ташаббуси билан Тил ва адабиёт институти мажлислар залида улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоийнинг адабий ва илмий меросини ўрганишга бағишланган анъанавий илмий конференция ўтказилди.

Конференцияни Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. Султонов очиб, Алишер Навоий қолдирган адабий ва илмий мерос ўзбек халқининг бебаҳо маънавий мулкига айланиб қолганлигини, айни пайтда, бу борада ҳали жуда катта ишларни амалга ошириш зарурлигини таъкидлади. Шундан сўнг тўпланганлар Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси Ғ. Абдурахмонов, филология фанлари докторлари А. Ҳайитметов, А. Абдуғафуров, Э. Шодиев (Ленинобод), филология фанлари кандидатлари Ё. Исҳоқов, Б. Бафоев, У. Тўйчиев, Н. Жумаев, Ҳ. Қудратуллаев ва бошқа адабиётшунос олимларнинг маърузалари ҳамда илмий ахборотларини тингладилар. Нотиқлар Алишер Навоий асарларининг тили, сўз санъаткорининг бадиий маҳорати, ижтимоий-сиёсий қарашига оид қизиқарли кузатишлари ва навоийшунослар олдида турган муаммолар хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

«ПАРВОЗ»НИНГ ИЖОДИЙ САФАРИ

«Спутник» халқаро ёшлар туризми бюроси яқинда ўзининг ўттиз йиллигини нишонлади.

Шу сана муносабати билан белгиланган маданий тадбирлар доирасида жойларга қизиқарли саёҳатлар уюштирилди. Руминия, Югославия ва Болгария мамлакатларига қилинган сафарлар жуда мароқли ўтди. Ана шу туристик группа составида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор эди. Чкалов номидаги Тошкент самолётсозлик ишлаб чиқариш бирлашмаси маданият ва техника саройи ҳузуридаги «Парвоз» халқ ансамбли маданий программанинг муваффақиятли амалга оширилишига муносиб ҳисса қўшди.

Бадиий ҳаваскорлик коллективи қатнашчиларининг ҳар бир чиқиши томошабинларга манзур бўлди. Ансамбль ижросидаги «Ўзбекистонда байрам», «Тановор» каби номерлар, тожикча ва бухороча рақслар кўпчиликда завқ-шавқ уйғотди. «Андижон полькаси» Н. Олланазаров талқинида ўзига хос жозиба кашф этди.

С. ОДИЛОВА.

• *Маънавий гўзаллик*

ҚАДР ВА НАФРАТ

• *Жонкуяр газетхон мулоҳазаси* •

ОЛАМДАГИ ранглар хилма-хил, кўкдаги юлдузларнинг порлаши турлича, гулзордаги гулларнинг таровати ҳам ўзига хос бошқача — бир-биридан фарқланади. Инсоннинг ички дунёси-чи? Бир қарашда жуда мураккаб кўринади. Шу сабабли одамларнинг бир-бирини тушуниши ҳар доим ҳам кўнгилдагидек кечавермайди. Бироқ, шуниси латифки, ҳар биримизда табиий гўзалликка ўчлик, меҳрли сўзларга ташналик, меҳнатсеварликни улуғлаш, муҳаббат ва садоқатни шарафлаш, хиёнат ва қабоҳат ишларига нафрат, нафосатга интиқлик, табиатга нисбатан самимийлик каби инсонга хос хиссиётларимиз ва кечинмаларимиз, туйғуларимиз ҳамоҳанглиги туфайли ўзаро боғлиқ томонларимизни доимо ёдда сақласак бир-биримизни тушунишимиз бироз енгиллашарди. Бу дегани бир-биримизга бўлган меҳримиз, оқибатимиз, қадримиз янада тиниқлашарди.

Бир қарич жой учун ёқа бўғишган қиёматлик қўшнилар, ҳовли-жой меросни бўла олмаган ака-укалар, ўзгаларнинг бахтига куйиб кетадиган ажабтовур одамларнинг хатарлик ҳаракати нақадар хунук бўлиб, ҳаётимизга асло яраш майди. Бундайлар ҳар бир маҳаллада топилади.

Халқимизга таъриф берилганда беихтиёр мана бундай сўзларга қўшилиб кетганимизни билмай қоламиз. Ўзбеклар — меҳнаткаш, саҳий, диёнатли, ораста, ор-номусли, оқибатли, меҳрибон халқ. Аслида ҳам шундай, юзлаб мисоллар келтириб ўтирмайлик — изоҳга ҳожат йўқ. Бироқ, ўзимиз билмаган ҳолда олиб сотарлик, порахўрлик, ичкиликбозлик, қиморбозлик, мансабпарастлик каби ўз шаънимизга номуносиб ишларга аралашиб қоламиз...

Гуландом иши тушиб район марказидаги универмагда ишлайдиган дугонаси билан учрашиб қолди. У гап орасида бир икки хил ноёб моллар борлигини айтди. Гуландом ҳайрон қолди. Чиройли аёллар сумкасини кўриб кўзлари ёниб кетди. Битта олмоқчи эди, афсуски пули етмай, ҳижолат бўлди. Буни кўрган Хайринисо дугонасининг содғалигидан бир яйраб кулди ва шундай маслаҳат берди.

— Тўрт-бештасини танишларингга сотсанг битгасига ўзинг эга бўласан. Унинг гапига рози бўлган Гуландом каттагина бозор сумкасига бешта чет элда чиқарилган аёллар сумкачасидан солиб қишлоққа қайтди. Устига олти-етти сўмдан қўйиб хаш-паш дегунча сотиб қўйди. Енига эса роппа-роса ўттиз сўм қолди. Бу пулларни дугонасига олиб бориб берганда Хайринисо хо-холаб Гуландомнинг соддалигидан яна бир марта роҳатланиб кулиб олди.

— Хў, қишлоқи, бу пул ўзингга, менга қолгани ҳам бўлади, — деб уни чойга таклиф қилди ва баҳонада аёлларнинг ички кийимларидан яна ўн донасини Гуландомнинг сумкасига яхшилаб жойладилар. Икки дугона қуюқ хайрлашиб ажралишди. Орадан иккиуч кун ўтар-ўтмас бир даста пул билан яна учрашишди. Маълумки, Гуландом учинчи сафар ҳам янги «топшириқ» билан йўлга чиқди. Энди унинг қишлоқдаги танишларининг сони ортиб борган сари чўнтагидаги пули ҳам кўпайиб борарди. Бу қилаётган иши нақадар оғир ионят кўчасига бошлаётганини билмас, билса ҳам эҳтиётгина бўлиб яширин иш кўраётгани учун виждони ҳозирча қийналса-да ёнига қолаётган унча-мунча пулнинг сеҳрига берилиб овуниб қоларди ва пайт топиб навбатдаги «маршрут»га чиққанини билмай қоларди...

Толиб ака касал бўлиб қолди. Роса бир ой даволансада ўзига келавермади. Сўнгра шаҳар касалхонасида даволаниш учун илтимос қилиб бўлим мудирига учрашди. Йўлланма беролмаслигини тушунтирган врач қабулидан кўнгли ғаш бўлиб чиқди. Ўша куни уни кўргани келган ўртоқларидан бири: «Э, дўстим, соддасанда. Ана қўтондаги қўйларингдан бирини сотиб «қуруғидан» белингга бойлаб бор-чи, ўша врач сени ўзиёқ қўш қўллаб шаҳарнинг энг кўзга кўринган касалхонасида даволатиш учун йўлланма бериш у ёқда турсин, ўзи бирга бориб жойлаштириб келади». Толиб ака дўстининг маслаҳати билан иш тутиб адашмади. Айтганидек, 24 кундан сўнг ҳамма касалидан фориғ бўлиб уйига эсон-омон соғайиб қайтди...

Шакар — студент. Нима бўлди-ю, курсдан курсга ўтар имтиҳонни топшира олмади. Бундан хабар топган отасининг безовталиги ошди. «Ҳа, бормаганимга анча бўлиб қолди. Бир хабар олишга ҳам вақт тополмадим. Шу баҳона бориб уларни бир меҳмон қилиб, ўзим ҳам бир яйраб келай» — дея йўлга чиқди. У тўғри деканатда ишлайдиган таниши билан учрашиб ишни пишитиб, жуда яхши дам олиб қайтди. Анчадан бери кўрмаган танишларининг бир кўнглини олди. Уларга «Жигули» учун эҳтиёт қисмлар топиб берди. Хуллас, Шакар бинойидек ҳамма имтиҳонлардан ўтиб келди.

Буларнинг нимаси ёмон. Ҳар уч ҳолатда ҳам ҳеч ким ёмонликни ўйлаб қадам босмаяпти. Хайринисо ҳам ўзи, ҳам дугонасининг яхши яшаши учун унча-мунча олиб сотарлик қилса қилибди. Гуландом токайгача эпсизлигича қолади. Бироварларнинг ҳам ҳожатини чиқарди, ҳам ўзи беш-тўрт сўмлик бўлиб кам-кўстини беркитди. Врач йигит танноз хотининнинг битта хархашасидан қутулди, Толиб ака эса юз эллик сўм билан соғлиғини тиклади. Бунинг нимаси ёмон Пул саломатлиги учун кетса кетибди-да. Бу ишда ғаразгўйлик йўқ. Шакар отасининг ёрдамида ўқитувчилар орасида сал обрўсини тиклаб олди. Ота ўзининг бир вақтлар пахта ҳашарига келиб дўстлашиб қайтарибди, фалончи боғча мудираси ҳеч кимдан пул олмай ишга одамларни қабул қилар экан. Фалон жойдаги терговчи катта пул тикканларни ҳам судга оширибди деган мазмундаги яхши материаллар газета юзига чиқолмай қолмоқда. Булар ҳақида ёзишга на журналистда, на қаҳрамонимизда журъат бор. Ҳамон матбуот юзини кўрмай қолаётган воқеликлар кўп. Яхши одамлар ҳақида баён типидаги таъриф-лардан чиқолмаяпмиз. Ваҳоланки, ҳаётда, турмушимизда, ўзаро муносабатларимизда анчагина муаммоларимиз бор. Аввало, порахўрлик тугамас экан, бошқа ҳар қандай иллатнинг илдизига болта уришга ҳожат йўқ.

ОРОЛ — қурияпти. Орол қуригунича майда-чуйда деб баҳоланадиган, аслида халқнинг жон томирини сўраётган таъмагирлар ва порахўрлик қуриса бўлмасмиди. Орол денгизини қуритишгача борганларнинг қурби халқнинг бўйнидаги оғир занжир — порахўрликни қуритса яхши бўларди. Оролни ўлим чангалидан қутқарувчи комиссия тузилди, иш олиб бориши айни кўнгилдагидек бўлмасада ҳар ҳолда умид бермоқда. Лекин, халқ порахўрликнинг исканжасида жон олиб жон бераётганини кўра-била туриб ҳеч ким якун ясашга шошилмаяпти-ку. Битта умид ялт этиб хуноб бўлган умидимни жонлантиради. Бу омманинг бирликда жипслашиб иш тутишидир. Ҳар биримиз ўз муносабатимиздаги таъмагирликдан кеча олсак бас. Мансабдор кишилар, халқнинг бошидаги амалдорларнинг нафси сал чегараланса — шахсий манфаат доирасидан чиқиб оддий халққа тик кўз билан қарай олсагина мақсадга эришиш мумкин...

Оламдаги ранглар хилма-хил, кўкни безаган юлдузларнинг порлаши турлича, гулзордаги ҳар битта гул ўз таърифига эга. Бир қарашда жуда мураккаб кўринган инсоннинг ички дунёсини битта тилла занжир ўзаро ҳар битта одамни бир-бири билан маҳкам боғлаб туради. Бу — ҳар биримиздаги табиий гўзалликка ўчлик, меҳрли сўзларга ташналик, меҳнатсеварликни улуғлаш, муҳаббат ва садоқатни шарафлаш, хиёнат ва қабоҳат ишларига нафрат, нафосатга интиқлик, табиатга нисбатан самимийлик каби ном билан нур таратувчи тилла занжирдир.

Ўзимизни ўзимиз таламасаккина томиримиздаги оқаётган қонимиз таркиби тоза, ҳаётбахшлигига ишонса бўлади.

А. ХУДОЙҚУЛОВА.

СПОРТ СПОРТ СПОРТ

ФУТБОЛ МУТАСАДДИЛАРИГА САВОЛ

БОШҚАЛАР ҚАЕРДА ЭДИ?

Эсимни танибманки, футбол мухлисиман. Унга шунчалик қизиққанимдан 1985 йили техникумдаги ўқитувчилик ишимни ташлаб «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг Тошкент область биринчилигида қатнашадиган «Гулистон» командасига бошчилик қилиш учун ўтиб кетганман. 1987 йили колхозимиз «Пахтакор» командасига оталиқ қилишни ўз зиммасига олди. Унинг катта тренери Б. Абдураимов колхозимизда ҳам спортни ривожлантиришга анча ҳисса қўшди.

Бирдан хабар: Биродарни ишдан олишибди... Четдан тренер тайинланибди... Очиғи, кўп миллионли футбол ишқибозлари каби мен ҳам, ушбу хабарни эшитиб, ғалати аҳволга тушдим. Яна четдан катта тренер... ҳали-ҳали эсимда — 1979 йили севимли «Пахтакор»имиз фожиали ҳалок бўлганда, қандайдир сабаблар билан шу рейсга илинмай қолган бош тренер О. Базилевич 4—5 ўйиндан сўнг командани ҳам, мухлисларни ҳам ташлаб қочиб кетганлиги, «Пахтакор»га 3 йил муддат керак эмас, шундай ҳам олий лигада қола оламиз, деб эълон (ваҳима) қилиб, кейинчалик уни ташлаб кетган С. Мосягин, четдан футболчиларни командага тиқиштириб ташлаган И. Секечларнинг — айби эмасмикин, команданинг шу аҳволга тушиб қолганлиги. Ўйинчиларни тўғри йўлга туширган Биродар Абдураимовни на жамоатчилик, на команда фикри билан ҳисоблашмай бош тренерликдан нега олиб ташлашади?

Б. Абдураимовга «Ўзбекистон физкультурачиси» газетасида чиққан мақолада — «нуқул команда олдига ҳар йили жуда катта мақсад қўяр эди...» деб айб қўйишибди. Наҳотки айб биргина Б. Абдураимовда бўлса? Республика спорт комитетининг мутасадди раҳбарлари — Республика спорт комитети раисининг ўринбосари Ю. Антонец ва республика футбол федерациясидаги масъул ўртоқлар ўшанда қаерда эдилар?

Кўп миллионли футбол ишқибозларини қизиқтираётган ана шу саволларга республикамизда футболга жавобгар раҳбар ўртоқлар газета орқали жавоб беришса яхши бўларди.

Ж. ЁҚУБОВ,
футбол судьяси.

●

РЕКОРД ЯНА ЯНГИЛАНДИ

ЛАНГАР билан баландликка сакрашда тошкентлик Радион Татауллин бундан бир ҳафта муқаддам 6 метр 2 сантиметр баландликдан ошиб ўтиб, ёпиқ зал учун жаҳон рекордини ўрнатганлигини хабар қилган эдик. Кени кеча Токиодан хабар келди. Бу ерда халқаро мусобақаларда 88-Олимпиада чемпиони Сергей Бубка 6 метр 3 сантиметр баландликдан ошиб ўтиб, «ўз рекордини» қайтариб олди. Шундай қилиб ёпиқ зал учун 6 метр 3 сантиметр, очиқ майдондаги 6 метр 6 сантиметрлик жаҳон рекорди донецклик Сергей Бубкага қарашли бўлиб турибди. Эслатиб ўтамиз, шу пайтгача лангар билан сакрашда 6 метрдан юқори маррани жаҳонда фақат икки спортчи С. Бубка ва Р. Гатауллин забт этган холос.

ТОШКЕНТЛИКЛАР ФИНАЛДА

МИТРАФАНОВ номли сув спорти саройида ватерпол бўйича Ўзбекистон чемпионати саралаш учрашувлари ниҳоясига етди. Тошкентнинг «Меҳнат» командаси ўз группасида Сирдарё, Наманган ва Фарғона вакилларини мағлубга учратиб финалга чиқди.

Редактор
Н. НАСИМОВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ МАРТА
Жаҳонда ягона бўлган
«ДЕНГИЗ ҲАЙВОНЛАРИ»
АТТРАКЦИОНИНИНГ
(денгиз шерлари, сивучлар)
ГАСТРОЛЛАРИ

Ҳайвон ўргатувчилар — Татьяна ва Василий ТИМЧЕНКОЛАР.

«Цирк айиқлари» томошаси. Ҳайвон ўргатувчилар — Людмила ва Александр ГРЮКОВлар.

УССРда хизмат кўрсатган артист Виктор МАКСИМОВ раҳбарлигида «ЧЕРЁМОШ» акробатик ансамблининг чиқишлари.

Машҳур пародиячи-комик Валерий КОЛОБОВ. Икки бўлимдан иборат катта ранг-баранг программа. Билетлар олдиндан сотилмоқда.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинади.

Қишлоқ жойлардан келган томошабинларга навбатдан ташқари хизмат кўрсатилади.

Томошалар — соат 19.30 да, шанба куни — соат 16, 19.00 да; якшанба куни — соат 12, 15, 18.00 да бошланади.

Касса дам олиш кунларисиз соат 10 дан 20.00 гача ишлайди.

Справкалар учун телефонлар: 44-35-91, 44-35-84, 44-28-04.

С. И. КАДИШЕВ НОМЛИ 33-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Учиш аппаратларини йиғувчи слесарь, фрезерчи, сонли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори касблари бўйича

1989—1990 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 6 ой.

Билим юртига 10-синфни битирган кишилар, шунингдек Совет Армияси сафларида ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта ва тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган ҳамда Тошкент шаҳрида пропискада турувчи ёшлар қабул қилинади.

Билим юртига ўқишга қабул қилинганлар 65 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаб топган иш ҳақларининг 50 процентини оладилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат ёки тўлиқсиз ўрта маълумот ҳақидаги гувоҳнома, яшаш жойидан справка, 4 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см. ҳажмида).

Адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 106, 151, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Кадишев номли билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

Ўрта Оснё темир йўлининг
ИЎЛ ТЕХНИКА МАКТАБИ

Тошкент-пассажир станцияси вагон депоси учун пассажир вагонлари проводникларини тайёрлайдиган

3 ОЙЛИК КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга 18 дан 45 ёшгача бўлган, ўрта маълумотли (шарт) ва Тошкент шаҳри ва Тошкент областида пропискада турувчи қизлар ва аёллар қабул қилинади.

Ўқиш даврида ойига 45 сўм стипендия тўланади.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт, меҳнат дафтарчаси, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, 4 дона фотосурат (3x4 см.).

Курсларга киришни хоҳловчилардан қуйидаги адресга мурожаат қилишларини сўраймиз: Тошкент шаҳри, Фрунзе райони, Парфюмерная кўчаси, 2-ВЧЛ кадрлар бўлими (11, 32, 40, 45, 50-автобуслар; 14-троллейбуснинг «Салор ариғи» бекати).

ОБЛАСТЬ ички ишлар БОШҚАРМАСИДА

ЎЗИГА ЎЗИ ЗАВОЛ

ЧИРЧИҚ шаҳар милицияси ходимлари Оққовоқ посёлкасида яшаш жойининг тайини йўқ Леонтий Рукинни қўлга олдилар. Унинг ёнидан 32 грамм наша чиқди.

Янгийўл шаҳар бозори территориясида ушланган гражданнинг ёнидан 21,4 грамм наша топилди. Нашавандликка муккасидан кетиб ўз умрига ўзи завол бўлаётган Янгийўл кўнгилли ўт ўчириш жамиятининг катта инструктори Илья Локонкин даволаш учун юборилди.

Чирчиқ шаҳар ички ишлар бўлими Л. Рукиннинг қилмиши устидан тергов олиб бормоқда.

ШАРМАНДА БЎЛДИ

36—29 ТШМ номерли ЛАЗ-695 автомашинаси ҳайдовчиси М. Қаюмов охирги бекатга етиб келиб, йўловчилардан 3 сўм 20 тийин кира ҳақини йиғиштириб олди, аммо билет йиртиб бермади. У давлат кассасига тушиши керак бўлган бу пулни ўз киссасига солаётганида виждони қийналдими, йўқми, бошқалар учун қоронғу. Аммо М. Қаюмов Янгийўл автотранспорт корхонаси меҳнат коллективи ўртасида қўли эгрилиги учун жавоб бериши аниқ бўлди. Агар орияти бўлса қилмиши учун қизаради, тавба-тазарру қилади ва бу шармандали ишни бундан буён такрорламайди, албатта.

ИЧКИЛИКБОЗЛИКНИНГ ОҚИБАТИ ШУ-ДА

БУ ҲАҚДА ҳар куни гапирилади, матбуотда ёзилади, телевизорда кўрсатилади. Афсуски ҳамма ҳам тўғри хулоса чиқаравермас экан. Мана, меъёридан ортиқча ичкилик яна бир бегуноҳ кишининг ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабаб бўлди.

Ғалаба районидаги Кетмонтепа луб заводи ишчиси М. Махиянов маст-аласт пайтида Свердлов номли колхоз аъзоси М. Алимов билан жанжаллашиб қолиб, пичоқни ишга солди. Оқибатда М. Алимов жанжал содир бўлган жойнинг ўзидаёқ ҳалок бўлди. М. Махияновнинг қилмишига суд баҳо беради, албатта, жазолайди. Аммо машъум ичкиликбозлик туфайли инсоннинг нобуд бўлиши тузатиб бўлмайдиган хатодир.

МОЛ ЎҒРИСИ ҚЎЛГА ТУШДИ

ЯНГИОБОД шаҳар ички ишлар бўлимига қўнғироқ қилишди: М. Умаралиевнинг 29-ҳунар-техника билим юрти атрофидаги яйловда ўтлаб юрган учта сигирини кимдир ўғирлаб кетибди. Оператив группа аъзолари темирни қизиғида босиб, зудлик билан ҳаракат бошладилар ва ўғрининг изига аниқ тушиб, жиноятни очишга муваффақ бўлдилар.

Ўғриликда гумон қилиниб, қўлга олинган Тошкентдаги 5-махсус механизациялашган кўчма колонна пайвандчиси В. Гулинов айбига иқрор бўлди, тергов давом этмоқда.

КОРХОНАЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА МУАССАСАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент область ижроия комитетининг турар-жой хўжалиги ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳамда турар-жой-коммунал хўжалиги бошқармаси тугатилиб, ўрнига

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ТУРАР-ЖОЙ-КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Мазкур ташкилот тугатилган ташкилотларга нисбатан даъволарни эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида қуйидаги адресда қабул қилади: 700070, Тошкент шаҳри, Ш. Руставели кўчаси, 1-тупик, 5-уй.

ГРАЖДАНЛАР, ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ «Ташоблбитуправление» РЕМОНТ-ҚУРИЛИШ БОШҚАРМАСИ ТУГАТИЛДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой мобайнида қуйидаги адресда қабул қилинади: 702312, Нариманов шаҳри, Охунбобоев кўчаси, 35-«а» уй.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети умумий овқатланиш бош бошқармаси коллективи Тошкент ресторанлар трести директори

Озод Тоҳирович МАҚСУДОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндош-уруғларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. Риат — 325750; БЎЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноат капитал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ хўжалиги — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325767; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвар лик — 325645; эълонлар бўлими — 325727. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секрета-

Р. — 11576. Б. 1543. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12